

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган мухандислик педагогика институти

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 591.52.487

Оғалиқов Мирзаакбар Ботиралиевич

***Мавзу: Наманган шаҳри шароитида йуловчилар оқимини тадқиқотлаш
ва транспорт воситаларининг муқобил ишлаш режимини ҳамда
таркибини асослаш***

***5А 140901 Касб таълими (5521200-Транспорт воситаларини ишлатиш
ва таъмирлаш)***

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

Илмий раҳбар

т.ф.н. Қ.М.Иноятов

Наманган-2011 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-БОБ. ЙЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИ ВА УЛАРНИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ТАХЛИЛИ	11
1.1. Республикада йўловчилар ташишни тахлили	11
1.2. Наманган шахрида йўловчилар оқимини тахлили.	19
1.3. Наманган шахрида йўловчиларини ташишда транспорт воситаларини ишлаш режимини тахлили.	24
Боб бўйича хулосалар	29
2-БОБ. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ САМАРОДОРЛИГИ	31
2.1. Йўловчи ташишни ташкил этишни истиқболли йуллари.	31
2.2. Йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатишда уларни муқобил ишлаш режимини ташкил этиш.	34
2.3. Наманган шахрида йўловчиларни ташишни ташкил этиш	39
Боб бўйича хулосалар	54
3- БОБ. ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	55
3.1. Янги педагогик технологиялар, уларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари	55
3.2. Ўқитишдаги информатсион ва телекоммуникацион технологиялар	62
3.3. Маъруза дарсларини таълим технологияси	66
Боб бўйича хулосалар	79
Умумий хулосалар	80
Фойдаланилган адабиётлар	83
Иловалар	87

Кириш.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам

айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташиш транспорти соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобил транспорти корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда йўловчи ташувчи хусусий авто-уловлар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар транспорт хизматлари кўрсатиш борасида йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида» ҳамда «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатлари мамлакатимизда транспорт хизмати маданияти ва сифатини ошириш ҳамда соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Худди шунингдек, республикаимизнинг барча йирик шаҳарларида йўловчи ташишни намунали йўлга қўйиш мақсадида шу соҳада фаолият юритувчи барча корхоналарнинг ҳаракат таркиби бугунги кунда Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «ИСУЗУ» русумли автобуслар билан тўлдириб борилмоқда.

Амалий ишлар самараси ўлароқ, 2010 йилнинг ярим йили давомида республикаимизда автомобил транспортида йўловчи ташиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга, йўловчи айланмаси эса 9,1 фоизга ошди.

Соҳага оид қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижросига мутасадди бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг қуйи тизимлари ва бошқа юридик шахслар томонидан йўловчи ташиш транспортини бошқаришни ташкил этишни яхшилаш, шунингдек, бу фаолият устидан

назоратни кучайтириш, хизматлар сифатини ошириш, ҳаракат хавфсизлиги ва экологик талабларни таъминлаш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжуд.

Шунингдек, мамлакатимизда йўловчи ташиш транспортида йўловчи ташиш кўрсаткичи 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 6,2 фоизга ошган бўлса, трамвайда 16,9 фоизга, метрополитенда эса 5,8 фоизга камайганини қандай баҳолаш мумкин. Бир вақтлар миллионлаб йўловчилар узоғини яқин қилган Тошкент метрополитенида бугунги кунда атига 175 минг йўловчи ташилаётгани соҳа келажаги ҳақида жиддий ўйлашни тақозо этади. Бугунги кунда шаҳарларимизда органик ёқилғи билан ишлаётган транспорт воситаларининг сони ортиб бориши атроф табиий муҳитга, инсонлар ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шу сабабли йўловчи ташувчи транспорт воситаларини босқичма-босқич муқобил, экологик тоза ёқилғига ўтказиш масаланинг ечимига хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, соҳадаги фаолиятни тартибга солиш ва янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсадида бугун соҳага оид қонунларни такомиллаштириш, уларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш устида иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташиш транспорти соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобил транспорти корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда йўловчи ташувчи хусусий авто-уловлар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар транспорт хизматлари кўрсатиш борасида йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Автомобил транспортининг юкорида келтирилган вазифаларидан келиб чиккан холда халк хужалиги сохалари ва кишиларнинг ишлаб чиқаришлари билан боғлиқ моддий буюмларни зарур жойларга белгиланган вақтда ва сифатли даражада етказиб бериш ҳамда аҳолининг пассажир транспортига булган эҳтиёжини мунтазам кондиритишни ташкил этиш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва уларни тугри танлаш куникмаларини ургатишдан иборатдир.

Умумий фойдаланиш автомобил транспортини ривожлантириш мақсадида республикада автотранспорт соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор қонунлар - Ўзбекистон Республикасининг "Автомобил транспорти тўғрисида"ги, "Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тўғрисида"ги ва "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари, автотранспорт соҳасига та'луқли қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ушбу қонун ва қарорларни жорий этиш ва автотранспорт хизматлари бозорида тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида 100 дан ортиқ меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тегишли идораларда давлат рўйхатидан ўтказилиб, амалга жорий этилган. Шунингдек, уларга ташувчилар томонидан риоя қилиниши ҳам доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги давлат бошқаруви органи бўлиб, унга автомобил транспортида ташишларни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, транспорт хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш ваколатлари берилган ҳамда бу борадаги асосий вазифалари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги "Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини литсензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 138-сонли қарори билан литсензиялашнинг содда механизми тасдиқланган ва ташувчиларнинг қисқа муддат ичида литсензия олишларига имконият яратилган.

Автомобил транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга литсензиялар берилганлиги учун давлат божи ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги 138-сон қарорида белгилаб берилган. Мазкур қарорга охирги марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 22-декабрдаги ПҚ-1245-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унга кўра автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи литсензиялар берилганлиги учун давлат божи автотранспорт воситаларининг ўриндиқлар сони ёки юк кўтариш қобилятидан келиб чиқиб белгиланган тарифга асосан ундирилади.

Йўловчилар ташиш йўналишлари тизими жадал сураатлар билан ривожланмоқда. Агар 2005-йилда республикада жами 2000 та йўналиш фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 3738 тага этди. Фаолият кўрсатаётган 3738 та йўналишнинг 3689 таси ёки 98.7 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилган. Шу жумладан 2011-йил II чорагида жами 31 та очик тендер ўтказилиб, 350 та йўналиш жойлаштирилган. Шундан 8 та тендерда 51 та шаҳар йўналишлари, 21 та тендерда 247 та шаҳаратрофи ва 20 та вилоят ҳудудидаги шаҳарлараро йўналишлари ҳамда 3 та тендерда 37 та шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчи ташиш

йўналишлари ташувчилар ўртасида жойлаштирилган. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги ва ҳудудий бўлимлари томонидан республикада фаолият кўрсатаётган йўловчи ташиш йўналишлари тизими, "Шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия"нинг ишчи гуруҳи томонидан эса республикадаги вилоятлараро-шаҳарлараро йўловчи ташиш йўналишлари тизимининг фаолияти бўйича доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилади. **Мавзунинг долзарблиги.** Автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш, атомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга ошириш йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилашда **долзарб вазифадир.**

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан таъкидланганидек, "Транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга валоят йирик транспорт тугунларига чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда".

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидлашди. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг ғоят муҳим унсури бўлмиш ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистонда транспорт коммуникациялари соҳасидаги миллий конунчилик изчил ривожлантирилиб, тобора кўпроқ шу соҳадаги халқаро

нормаларга мослаштирилмоқда. Охирги йилларда транспорт алоқалари соҳасида талайгина икки ва кўп томонлама битимлар тузилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 3529 та йўналишда, 202535,6 км узунликда автомобил транспортида йўловчилар ташиш амалга оширилмоқда. Бундан 1049 таси шаҳар йўналишлари, 1900 таси шаҳар атрофи, 334 таси шаҳарлараро вилоят ичида ва 246 таси вилоятлардаги шаҳарлараро бўлиб уларда юзлаб автобус, микроавтобуслар ва енгил таксилар ҳаракатланмоқда.

Наманган вилоятида ҳозирда 193 та йўналиш бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 5830,6 кмни ташкил қилади. Шундан 55 таси шаҳар ичидаги йўналишлар бўлиб уларнинг умумий узунлиги 635,9 кмни ташкил этади.

Тадқиқот мақсади - Наманган шаҳрида йўловчилар оқимини тахлили ва уларни ташишни йўлга қўйишни мувофиқлаштириш

Тадқиқот вазифалари:

- ⇒ автомобил транспортида йўловчи ташишни ҳозирги ҳолатини тахлили;
- ⇒ республикамізда йўловчиларни ташиш борасида олиб борилаётган ислохатлар;
- ⇒ автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;
- ⇒ автошўҳбекатларни замон талабларига мослаш ва автотранспорт қатновларини ана шу автошўҳбекатлар орқали тартибли равишда йўлга қўйиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Наманган шаҳридаги автобус йўналишлари танлаб олинди.

Илмий янгилиги. Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Бажарилган диссертация натижаларига кўра жами 3 та илмий ишлар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 40 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 33 та расм ва 6 та жадвални 86 бетда жамлаган.

1-БОБ. ПАССАЖИРЛАР ОЎҚИМИ ВА УЛАРНИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИ ТАХЛИЛИ

1.1. Республикада йўловчилар ташишни тахлили

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидланганидек, “Транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга вилоят йирик транспорт тугунларига чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидлашди. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг ғоят муҳим унсури бўлмиш ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистонда транспорт коммуникациялари соҳасидаги миллий қонунчилик изчил ривожлантирилиб, тобора кўпроқ шу соҳадаги халқаро нормаларга мослаштирилмоқда. Охирги йилларда транспорт алоқалари соҳасида талайгина икки ва кўп томонлама битимлар тузилди.

Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий ва институциявий вазифалар комплексини амалга ошириш мамлакатимизни муваффақиятли тараққий еттириш учун стратегик аҳамиятга молик долзарб вазифа бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу вазифани ҳалқилиш қонунчилиқни янада ривожлантиришни, халқаро транспортда юк ташишларни тартибга солувчи қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг уйғун тизимини яратишни, транспорт инфратузилмаси унсурларини минтақа бўйича стандартлаштиришни талаб қилмоқда.

Қабул қилинган тавсияларда транспорт тизимининг инфратузилмасини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва модернизациялашни янада такомиллаштириш бўйича Миллий ҳаракатлар

дастурини ишлаб чиқиш, бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган транспорт йўлакларининг жаҳон транспорт хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини ва жозибадорлигини оширишни назарда тутиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш доирасида, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва хавфсизлигини ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор билан энг аввало “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил етишга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш доирасида, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва хавфсизлигини ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор билан энг аввало “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил етишга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 15-апрелда ўтказилган “2011-йилнинг 1 чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида”ги мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2011-йил 5-апрелда ўтказилган “2011-йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим ва устивор вазифаларининг амалга оширилиши ва 1 чорак якунларига кўра белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда 2 чоракда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги мажлиси,

шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида 2011-йил 28-мартда ўтказилган “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш, жумладан, йўловчи ташиш транспортида йўлқира тўловининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, транспорт корхоналарининг моддий-техник базасини мутахкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси раисининг ҳисоботи тўғрисида”ги мажлисда кўриб чиқилган масалалар ўз ечини топди.

Тошкент шаҳри ичидаги енгил такси хизматида йўл ҳақини пластик карточкалар ёрдамида тўлаш имконияти яратилган ва терминал ўрнатилган машиналар сони ортиб бормокда.

Айни пайтда шаҳар ичида йўловчиларга енгил таксиларда хизмат кўрсатувчи масъулияти чекланган жамиятларнинг еттитасида терминаллар ўрнатилган енгил автомашиналар мавжуд. Жумладан, "Фортуна транс универсал" МЧЖда 5 та, "Такси люкс" МЧЖда 18 та, "Салд авто" МЧЖда 5 та, "Авто ДАФ сервис" МЧЖда 4 та, "ЛУАЛ" МЧЖда 4 та, "Лирон дизайн" МЧЖда 2 та ва "Инфоим сервис" МЧЖда 3 та автомобилга терминаллар ўрнатилган. Яқин орада бу рақамлар янада ортади.

Шунингдек, пойтахтда таксиларнинг бир хил белгиларга эга бўлиши, уларда белгиланган тарифлар бўйича ҳақ олиниши борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу эса Тошкент шаҳар ҳокиминг 2010 йил 20 майдаги "Тошкент шаҳри ҳудудида енгил таксиларда ташишни ташкил этиш тўғрисида"ги ва "Тошкент шаҳрида енгил таксилар турар жойлари тўғрисида"ги Низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида жойларда амалда оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасидир.

2011-йил 18-майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сон қарорини қабул қилди.

Йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш доирасида, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва хавфсизлигини ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор билан энг аввало “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўринишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, шунингдек йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан ягона талабларни белгилайди. У йўловчиларни ташиш ҳамда уларнинг йўловчи сўраган йўналиш бўйича багажини ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларининг (йўналишли таксилардан ташқари) барча турларига татбиқ этилади.

Низомда, жумладан, йўналишсиз таксилар учун мажбурий бўлган, ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозлашни ўз ичига оловчи Ягона таниш белгилари бўйича талаблар белгиланган бўлиб, бундай таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш мақсадида вилоят ҳокимиятларидаги Комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идоралараро Комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Натижада 2010 йил якунига кўра фаолият кўрсатаётган 3721 та йўналишнинг 3671 таси ёки 98,7 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилди. Шу жумладан, 2010-йилнинг ўзида жами 140 та очиқ тендерлар ўтказилиб, уларда 1575 та йўналиш жойлаштирилган. Шундан 43 та тендерда 423 та шаҳар йўналишлари, 91 та тендерда 947 та шаҳар атрофи ва 105 та вилоят

худудидаги шаҳарлараро йўналишлари ҳамда 6 та тендерда 100 та шаҳарлараро-вилоятлараро йўловчи ташиш йўналишлари ташувчилар ўртасида жойлаштирилган.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ҳозирги кунда республиканинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати етиб бормаган жой қолмади.

Соҳада амалга оширилаётган эътиборга молик йўналишлардан яна бири автошоҳбекатларни замон талабларига мослаш ва автотранспорт қатновларини ана шу автошоҳбекатлар орқали тартибли равишда ва ҳаракат хавфсизлиги талабларига мос равишда амалга оширишни йўлга қўйишдан иборат. Жумладан, Агентлик кўмагида Самарқанд вилоятида 5 та янги автобошбекат қурилиб, Гулистон шаҳридаги автошоҳбекат қайта таъмирланди.

Агентлик ҳудудий бўлимлари жойларда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда турли йўналишлар бўйича йўловчилар оқими ва аҳолининг йўловчи ташиш хизматига бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқиб, автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалаларида амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари, 2010-йил давомида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган "ИСУЗУ" автобусларидан Самарқанд вилоятида 246 та, Фарғона вилоятида 173 та, Наманган вилоятида 26 та, Тошкент вилоятида 44 та, Андижон вилоятида 15 та, Навоий вилоятида 30 та, Сирдарё вилоятида 10 та, Хоразм вилоятида 29 та, Сурхондарё вилоятида 20 та, қашқадарё вилоятида 86 та ва Қорақалпоғистон Республикасида 7 та, жами 686 та автобуслар лизинг асосида сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларига қўйилишига эришилди.

Барча асосий йўналишларда - лицензиялаш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларини риоя этилиши, йўловчи йўналишларини очиқ тендерларда жойлаштириш, йўловчи ва юкларни

автомобил транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахслар ходимларини ва юкларни автомобил транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларни малакавий талабларга кўра тест синовлари орқали аттестациядан ўтказиш каби масалаларида замонавий информацион технологиялар жорий этилишга эришилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг режа-жадвалига мувофиқ 2010-йил давомида режадаги 67 та ташкилот ва корхоналарнинг барчасида автотранспорт соҳасидаги фаолият текширилди ва уларда аниқланган турли хил ноқонуний хатти-ҳаракатлар ўз вақтида расмийлаштирилиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига мувофиқ молиявий жазо чоралари кўриш учун Давлат солиқ идораларига тақдим этилди.

Ҳукуматимиз томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятига халақит бериши мумкин бўлган текширувларни имконқадар камайтириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода Агентлик томонидан ҳам 2009-йил давомида республика Кенгашининг режа-жадвалига асосан 81 та хўжалик юритувчи субъектлар текширилган бўлса, 2010-йил якуни билан текширишлар сони 14 тага қисқартирилди ва 67 тани ташкил этди.

Давлат солиқ қўмитаси ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси вакиллари билан биргаликда йўлларда 4528 та (2009-йилга нисбатан 143,1 фоиз) қўшма рейдлар ўтказдилар. Натижада улар томонидан 61850 та (2009-йилга нисбатан 206,1 фоиз) автотранспорт соҳасида фаолият кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Шулардан 27346 таси (2009-йилга нисбатан 153,3 фоиз) жисмоний шахслар томонидан содир этилган. Ушбу қоида бузарликлар бўйича ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилиб, чора кўриш учун солиқ идораларига топширилди.

Лицензия талаб ва шартларига риоя этилмаслиги ҳолатлари нисбатан қонуний жазо чоралари сифатида Агентлик томонидан ўз ваколатлари доирасида 2010-йил давомида 103 та лицензиатга тегишли 188 та

лицензияларнинг амал қилиш муддати 10 кунга тўхтатилди. Шунингдек, 7 та лицензиянинг амал қилиши судқарорига асосан тугатилди ва 11 таси бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 21-майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010-йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-640-сон қарори билан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши таъминланди.

Хусусан, жорий-йилнинг ўтган даврида республика вилоятларида жами 169 та йўловчи ташиш йўналишларининг очилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 203 та (120,1 фоиз) йўналиш очилди ва 1602 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Янги йўналишларнинг 168 тасида фақат қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 745 та автотранспорт воситаси (шундан 347 таси автобус, 398 таси микроавтобус ва "Дамас") фаолият кўрсатмоқда.

Автомобил ва дарё транспорт соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакиллантириш Дастурига асосан, ўтган-йил давомида 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, Йўловчи ташиш автомобил транспортида тариф сиёсатининг асослари бўйича 2025-йилгача бўлган давр учун концепсия лойиҳаси ишлаб чиқилди ва манфаатдор вазирлик ва идораларга келишиш учун киритилди.

"Йўловчилар ва юklarни автомобил транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларини ва юklarни автомобил транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида"ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлигининг 2010-йил 18 ноябрдаги 178-сонли буйруғи, Адлия вазирлиги томонидан 2010-йил 18 декабрда 1626-4-рақами билан

давлат рўйхатига олиниди ва 2010-йилнинг 28 декабридан амалга жорий этилди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ички ишлар вазирлигига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги 138-сонли "Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги"ги Низомга қушимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга келишиш учун юборилди.

"Ўзбекистон Республикасида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш йўналишларида ва соатбай ташишларни амалга оширишда, ташилган йўловчилар сонини ҳамда бажарилган йўловчи айланмаси ҳажмини аниқлаш қўлланмаси" қайта ишлаб чиқилди ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Иқтисодиёт вазирликларига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида"ги 1474-Пқ-сонли қарори ва тасдиқланган Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги "Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 34-сонли буйруқлар амалга жорий этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ва минтақамизда экологик хавфсизликни таъминлаш йўлида кенг кўламли

ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда илм-фан ва ишлаб чиқариш муассасалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик яхши самара бераётир.

Маълумотларга кўра, автомашиналарни экологик тоза газ ёқилғисига ўтказиш орқали ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини тўрт баробар камайтириш, дизел ёқилғисини етмиш фоизгача тежаш мумкин.

Юртимиз автомобилсозлиги соҳасида жорий етилган мазкур янги технология натижасида ҳавога зарарли газлар чиқариш қарийб етмиш фоиз камаяди. Мамлакатимиздаги экологик мувозанатни барқарорлаштириш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

1.2. Наманган шаҳрида йўловчилар оқимини тахлили.

Республикада автомобил транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги натижасида автомобил транспорти билан ташилаётган юк ҳажми ва йўловчи сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Автомобил транспорти билан 2001-йилда 658.7 млн.тонна юк ташилиб, 8.7 млрд. тонна км. юк айланмаси ҳажмида иш бажарилган бўлса, 2010-йилда ташилган юк ҳажми 1 млрд. 63 млн. тоннани, юк айланмаси еса 24.5 млрд. тонна км.ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар 2001-йилга нисбатан тегишли равишда 61.3 фоизга ва 2,8 маротабага ортган. 2010-йилда ташилган йўловчилар сони еса 5.9 млрд. йўловчини ва 67.9 млрд. йўловчи км.ни ташкил қилиб, 2001-йилга нисбатан тегишли равишда 87.6 фоизга ва 2,8 маротабага ортган. Агар 2001-йилда бир кунда ўртача 1,8 млн. тонна юк ва 8.7 млн. йўловчи ташилган бўлса, 2010-йилда бир кунда ўртача ташилган юк ҳажми 2,9 млн. тоннани (ўсиш 61.1 фоиз) ва йўловчи сони 16.3 млн. (ўсиш 87.4 фоиз) йўловчини ташкил этган.

Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган "ИСУЗУ" автобусларини йўналишларга чиқариш ишлари ҳам изчил давом

этирилмоқда. 2011-йил 2 чораги давомида қорақалпоғистон Республикасида 60 та, Андижон вилоятида 50 та, Сурхондарё вилоятида 23 та, Фарғона вилоятида 20 та, Самарқанд вилоятида 17 та, Тошкент ва Навоий вилоятларида 10 тадан ва Хоразм вилоятида 5 та - жами 195 та ИСУЗУ" автобуслари сотиб олинди ва улар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида хизмат кўрсатмоқда.

2011-йилнинг 1-апрел ҳолатига кўра Республика бўйича 3738 та йўловчи йўналишлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 980 таси шаҳар, 2157 таси шаҳар атрофи, 351 таси шаҳарлараро-вилоят ичи ва 250 таси шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишлардир. Йўналишлар тармоқларининг умумий узунлиги 186731,2 км.ни ташкил этади.(1-илова)

Шунингдек Наманган шаҳрида 55 та йўналишлар бўлиб уларнинг умумий узунлиги 635,9 кмни ташкил этади. Бу йўналишларда кунига ўртача 80-100 минг та йўловчилар оқими кузатилади. Бу йил сайин ортиб бораётганлиги кузатилмоқда, чунки Наманган шаҳрининг аҳоли сони сўнгги 10 йилликда 15.5 фоизга кўпайганини кузатиш мумкин.

1-жадвал

Наманган шаҳрининг аҳолисини ўсиш динамикаси

Йиллар	1910	1939	1959	1979	1989	1999	2010
Аҳоли сони, минг.одам	75,5	80	123	227	308	382	441,3

Йўловчилар оқимини кузатиш ва унинг таҳлил қилиш сутка соатлари ҳамда бекатлар бўйича амалга оширилади.

2-жадвал

Сутка соатлари бўйича пассажирлар оқимининг тақсимланиши

Т/Р	Сутка соатлари	Тўғри йўналиш (А)		Тескари йўналиш (Б)		Жами
		фоиз	пасс.	фоиз	пасс	
1.	5-6	1,5		1		
2.	6-7	3,5		2,5		
3.	7-8	10		8		

4.		13		9		
	n = 18	100		100		Σ Q =

3-жадвал

Бекатлар бўйича пассажирлар оқимининг тақсимланиши

Т/Р	Бекатлар номи	Тўғри йўналиш (А)		Тескари йўналиш (Б)		Жами
		фоиз	пасс.	фоиз	пасс	
1.		1,5		1		
2.		3,5		2,5		
3.		10		8		
	n = 18	100		100		Σ Q =

Сутка соатлари бўйича пассажирлар оқими нотекислик коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\eta_H = \frac{Q_{\max}}{Q_{\text{урт}}}$$

бу ерда: $Q_{\max}$ – пассажирлар оқими «тиғиз» вақтидаги пассажирлар сони;

$Q_{\text{урт}}$ – бир соатга тўғри келувчи пассажирлар сони: $Q_{\text{урт}} = \Sigma Q/n$

Бекатлар бўйича нотекислик коэффициенти.

Тўғри йўналиш бўйича:
$$\eta_{\text{бек}}^I = \frac{Q_{\max}^I}{Q_{\text{урт}}^I}$$

$$Q_{\text{урт}}^I = \frac{\sum Q}{T}$$

Тескари йўналиш бўйича:
$$\eta_{\text{бек}}^{II} = \frac{Q_{\max}^{II}}{Q_{\text{урт}}^{II}}$$

Бу ерда: $Q_{\text{урт}}^I$ - битта йўналиш бўйича ўртача ташилган пассажирлар сони.

Йўналиш бўйича нотекислик коэффициенти.

$$\eta_{\text{йун}} = \frac{Q_{\text{йп. max}}}{Q_{\text{йп. min}}}$$

Пассажирларни ўртача юриш масофаси.

$$\lambda_{\text{урт}} = \frac{\sum_{i=1}^n P_i}{\sum_{i=1}^n Q_i}, \text{ км}$$

$$\sum P_i = \sum (Q_1 \lambda_1 + Q_2 \lambda_2 + \dots + Q_n \lambda_n), \text{ пасс.км}$$

бу ерда: $\sum P_i$ - автобуснинг бажарган транспорт иши;

$\sum_{i=1}^n Q_i$ - сутка соатлари бўйича ҳар икки йўналишда ташилган

пассажирлар сони;

Q_1 - биринчи бекатдан иккинчи бекатга ташилган пассажирлар

сони;

λ_1 -биринчи бекатдан иккинчи бекатгача бўлган масофа.

Автобус салоидаги пассажирларнинг алмашиш коэффициенти.

$$\eta_{\text{алм}} = \frac{L_m}{\lambda_{\text{урт}}}$$

Бу ерда: L_m - битта маршрут узунлиги, км;

$\lambda_{\text{урт}}$ - пассажирларни ўртача юриш масофаси, км.

Сутка соатлари ва бекатлар бўйича пассажирлар тахсимоти графиги


Автобуслар ҳаракатини мунтазам ташкил этиш учун уларнинг ҳаракат жадваллари ва графиклари бўлиши зарур. Ҳаракат графиги ҳар бир маршрут учун алоҳида тузилади. Бундай графикларни тузишда йўналиш, автобус ва ҳайдовчиларнинг иш режимлари асос қилиб олинади. Ҳаракат графикларини белгилашда сутка соатларида, ҳафта кунларида ва йил фаслларида пассажирлар оқимининг ўзгаришини ҳисобга олиш зарур.

Бир гуруҳ йўналишлар учун ҳаракат графигини тузишда, йўналишлар ҳар бирининг характери ҳисобга олинади. Бунда турли


йўналишлардаги пассажирлар зичлиги ўзгариши ҳисобга олиниб, бир йўналишдан бошқасига айрим миқдордаги автобусларни ўтказиш имкониятлари кўрсатган бўлиши керак.

Тақсимот графиги вақт ва пассажирлар миқдори координата системасида тузилади (1-расм). Ордината ўқи бўйича масштаб асосида жойлаштирилади. Берилган маршрутда пассажирларини сутка саотлари ва бекатлар бўйича ўзгариши айнан шу графикларда тасвирланади.

А)



Б)



1-расм. Пассажирларни сутка соатлар (А) ва бекатлар (Б) бўйича тақсимот графиги.

1.3. Наманган шаҳрида йўловчиларини ташишда транспорт воситаларини ишлаш режимини тахлили.

Автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш мақсадида йўловчи ташиш йўналишлари очик тендер танловлари орқали жойлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Натижада 2010 йил якунига кўра фаолият Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган 55 та йўналишнинг 60 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ҳозирги кунда республиканинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати етиб бормаган жой қолмади.

Соҳада амалга оширилаётган эътиборга молик йўналишлардан яна бири автошоҳбекатларни замон талабларига мослаш ва автотранспорт

қатновларини ана шу автошоҳбекатлар орқали тартибли равишда ва ҳаракат хавфсизлиги талабларига мос равишда амалга оширишни йўлга қўйишдан иборат. Агентлик ҳудудий бўлимлари жойларда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда турли йўналишлар бўйича йўловчилар оқими ва аҳолининг йўловчи ташиш хизматига бўлган эҳтиёжлари ўрганиб чиқиб, автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш масалаларида амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Бундан ташқари, 2010-йил давомида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган "ИСУЗУ" автобусларидан Наманган вилоятида 26 та автобуслар лизинг асосида сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларига қўйилишига эришилди.

Маршрутда ишловчи автобуслар сонини ва ҳаракат интервалини аниқлаш.

Берилган маршрутда автобуснинг бир айланиш вақти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$t_{\text{айл}} = 2 \cdot \left(\frac{l_M}{V_T} + n_{\text{ост}} \cdot t_{\text{мит}} + t_{\text{мнт}} \right); \text{ соат}$$

бу ерда: l_M - маршрут узунлиги, км;

V_T - техник ҳаракат тезлиги, км/соат;

$t_{\text{мит}}$ - оралиқ бекатда тўхташ вақти, мин;

$n_{\text{ост}}$ - оралиқ бекатлар сони;

$t_{\text{мнт}}$ - охири бекатда туриш вақти, мин.

Сутка соатлари бўйича автобуслар сони қуйидагича аниқланади:

$$A_M = \frac{Q_{\text{мах}} \cdot t_{\text{айл}}}{q_n}; \text{ авт.}$$

бу ерда: q_n - автобуснинг сиғими, пасс.;

$Q_{\text{мах}}$ - сутканинг ҳар бир соатидаги тўғри ва тесқари

йўналишлар бўйича максимал пассажирлар сони.

Сутка соатлари бўйича ҳаракат интервали:

$$I_a = \frac{t_{a\dot{u}l}}{A_M} \cdot 60 ; \text{ мин.}$$

Наманган шаҳрида асосан йуловчи ташувчи автобуслар шаҳарнинг Навоий, Охунбобоев, Дустлик ва Ғалаба кўчалари орқали ҳаракатланади. Бу автобусларни ҳаракатланиш графигини ишлаб чиқишда алоҳида ёндашиш лозимлигини кўрсадади. (4-жадвал).

Наманган шаҳрида йўловчиларини ташишда транспорт воситаларини ишлаш режимини ўрганиб чиқилганда, уларни сутка соатлари бўйича ҳаракат интервалига эътибор қаритиш лозим.


1-сонли «3-кичик туман -Тахтакуприк» автобус йуналишининг ҳаракат жадвали.
Автобуслар сони 20 дона. Бир катнов вакти 45 минут. Ҳаракат мунтазамлиги 4-5 минут

4-жадвал

	Бекат	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
	Саройдан чиқиш	5:50	5:55	5:59	6:04	6:08	6:13	6:17	6:22	6:26	6:31	5:40	6:40	5:49	6:49	5:58	6:58	6:07	7:07	6:16	7:16
1	Тахтакуприк											6:00		6:09		6:18		6:27		6:36	
	3-кичик ноҳия	6:00	6:05	6:09	6:14	6:18	6:23	6:27	6:32	6:36	6:41	6:45	6:50	6:54	6:59	7:03	7:08	7:12	7:17	7:21	7:26
2	Тахтакуприк	6:45	6:50	6:54	6:59	7:03	7:08	7:12	7:17	7:21	7:26	7:30	7:35	7:39	7:44	7:48	7:53	7:57	8:02	8:06	8:11
	3-кичик ноҳия	7:30	7:35	7:39	7:44	7:48	7:53	7:57	8:02	8:06	8:11	8:15	8:20	8:24	8:29	8:33	8:38	8:42	8:47	8:51	8:56
3	Тахтакуприк	8:15	8:20	8:24	8:29	8:33	8:38	8:42	8:47	8:51	8:56	9:00	9:05	9:09	9:14	9:18	9:23	9:27	9:32	9:36	9:41
	3-кичик ноҳия	9:00	9:05	9:09	9:14	9:18	9:23	9:27	9:32	9:36	9:41	Н	9:50	Н	9:59	Н	10:08	Н	10:17	Н	10:26
4	Тахтакуприк	Н	9:50	Н	9:59	Н	10:08	Н	10:17	Н	10:26	9:36	Н	9:45	Н	9:54	Н	10:03	Н	10:12	Н
	3-кичик ноҳия	9:36	Н	9:45	Н	9:54	Н	10:03	Н	10:12	Н	10:21	10:26	10:30	10:35	10:39	10:44	10:48	10:53	10:57	11:02
5	Тахтакуприк	10:21	10:26	10:30	10:35	10:39	10:44	10:48	10:53	10:57	11:02	11:06	11:11	11:15	11:20	11:24	11:29	11:33	11:38	11:42	11:47
	3-кичик ноҳия	11:06	11:11	11:15	11:20	11:24	11:29	11:33	11:38	11:42	11:47	11:51	11:56	12:00	12:05	12:09	12:14	12:18	12:23	12:27	12:32
6	Тахтакуприк	11:51	11:56	12:00	12:05	12:09	12:14	12:18	12:23	12:27	12:33	12:37	12:41	12:45	12:50	12:54	12:59	13:03	13:08	13:12	13:17
	3-кичик ноҳия	12:36	12:41	12:45	12:50	12:54	12:59	13:03	13:08	13:12	13:17	13:21	13:26	13:30	13:35	13:39	13:44	13:48	13:53	13:57	14:02
7	Тахтакуприк	13:21	13:26	13:30	13:35	13:39	13:44	13:48	13:53	13:57	14:02	14:06	14:11	14:15	14:20	14:24	14:29	14:33	14:38	14:42	14:47
	3-кичик ноҳия	14:06	14:11	14:15	14:20	14:24	14:29	14:33	14:38	14:42	14:47	Т	14:56	Т	15:05	Т	15:14	Т	15:23	Т	15:32
8	Тахтакуприк	Т	14:56	Т	15:05	Т	15:14	Т	15:23	Т	15:32	14:42	Т	14:51	Т	15:00	Т	15:09	Т	15:18	Т
	3-кичик ноҳия	14:42	Т	14:51	Т	15:00	Т	15:09	Т	15:18	Т	15:27	15:32	15:36	15:41	15:45	15:50	15:54	15:59	16:03	16:08
9	Тахтакуприк	15:27	15:32	15:36	15:41	15:45	15:50	15:54	15:59	16:03	16:08	16:12	16:17	16:21	16:26	16:30	16:35	16:39	16:44	16:48	16:53
	3-кичик ноҳия	16:12	16:17	16:21	16:26	16:30	16:35	16:39	16:44	16:48	16:53	16:57	17:02	17:06	17:11	17:15	17:20	17:24	17:29	17:33	17:38
10	Тахтакуприк	16:57	17:02	17:06	17:11	17:15	17:20	17:24	17:29	17:33	17:38	17:42	17:47	17:51	17:56	18:00	18:05	18:09	18:14	18:18	18:23
	3-кичик ноҳия	17:42	17:47	17:51	17:56	18:00	18:05	18:09	18:14	18:18	18:23	18:27	18:32	18:36	18:41	18:45	18:50	18:54	18:59	19:03	19:08
11	Тахтакуприк	18:27	18:32	18:36	18:41	18:45	18:50	18:54	18:59	19:03	19:08	19:12	19:17	19:21	19:26	19:30	19:35	19:39	19:44	19:48	19:53
	3-кичик ноҳия	19:12	19:17	19:21	19:26	19:30	19:35	19:39	19:44	19:48	19:53	19:57	20:02	20:06	20:11	20:15	20:20	20:24	20:29	20:33	20:38
12	Тахтакуприк		20:02		20:11		20:20		20:29		20:38		20:47		20:56		21:05		21:14		21:23
	3-кичик ноҳия		20:47		20:56		21:05		21:14		21:23		21:32		21:41		21:50		21:59		22:08
	Саройга қайтиш вакти		20:57		21:06	19:40	21:15	19:49	21:24	19:58	21:33	20:07	21:42	20:16	21:51	20:25	22:00	20:34	22:09	20:43	22:18
	Катнов сони	16	18	16	18	16	18	16	18	16	18	17	18	17	18	17	18	17	18	17	18
	Тушлик вакти	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12	1:12
	Иш вакти	12:20	13:50	12:20	13:50	12:20	13:50	12:20	13:50	12:20	13:50	13:15	13:40	13:15	13:40	13:15	13:40	13:15	13:40	13:15	13:40



2-расм. Наманган йуловчи ташиш ДУКни шаҳар йўналишларидаги
харакатланаётган автобуслари сони



3-расм. Наманган Исузи техсервис корхонасини шаҳар
йўналишларидаги харакатланаётган автобуслари сони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йуловчи ташувчилар ўртасида ошкора, соғлом рақобат муҳитини яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос, бўлиши, йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчилар ташиш бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорти ходимларини моддий манфаатдорлигини кучайтириш, хусусий ташувчилар фаолиятини фақат юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар орқали амалга ошириш, йуловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган фармон ва унинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Наманган шаҳрида йўловчи ташишувчи транспорт воситаларини иш режимини мувофиқлаштириш керак.

Боб бўйича хулосалар.

Йўловчилар оқими ва уларни ташишни ташкил этилишини тахлили автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Жумладан,

1. Вилоят ҳокимиятларидаги Комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идоралараро Комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштириш. Натижада 2010 йил якунига кўра фаолият кўрсатаётган 3721 та йўналишнинг 3671 таси ёки 98,7 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 21-майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010-йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-640-сон қарори билан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши таъминланди. Хусусан, жорий-йилнинг ўтган даврида республика вилоятларида жами 169 та йўловчи ташиш

йўналишларининг очилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 203 та (120,1 фоиз) йўналиш очилди ва 1602 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

3. Янги йўналишларнинг 168 тасида фақат қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 745 та автотранспорт воситаси (шундан 347 таси автобус, 398 таси микроавтобус ва "Дамас") фаолият кўрсатмоқда.

2-БОБ. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ИСТИҚБОЛЛИ ЙУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ САМАРОДОРЛИГИ

2.1. Йўловчи ташишни ташкил этишни истиқболли йуллари.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидланганидек, “Транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга ва ғоят йирик транспорт тугунларига чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидлашди. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг ғоят муҳим унсури бўлмиш ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

Автомобил транспорти хизмати соҳаси кейинги йилларда босқичма-босқич ислохотлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Энг аввало соҳага хусусий секторни жалб қилиш борасида иш олиб борилди ва бунинг натижасида бугунги кунда автотранспорт хизмати деярли юз фоиз хусусий тадбиркорлар қўлига ўтди. Бу эса, табиийки, ўз-ўзидан юз берадиган ходиса эмас. Бирон бир соҳада фаолият юритиш ва даромад топиш учун ишончли муҳит шаклланмас экан, хусусий мулк эгалари бу соҳага ўз сармояларини осонликча тикмайдилар.

Шунинг учун ҳам ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ асосий эътибор автотранспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб беришга қаратилди. Бу борада шу пайтга қадар соҳага оид қонунлар, қарорлар, йўриқномалар, раҳбарий ҳужжатлардан иборат 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ислохотлар жараёнида уларга тегишли

ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритиб келинмоқда. Шунингдек, уларнинг амалда ишлаши учун барча керакли тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда айтиш керакки, дунёнинг ҳатто баъзи бир ривожланган давлатларида ҳам жамоат транспорти хизматини тўлалигича хусусий секторга ишониб топширишга журъат қилинмаган. Яъни, йўловчи ташиш фаолияти тури фойда келтирмайдиган хизмат сифатида давлат томонидан қўшимча молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида эса соҳада соғлом рақобат муҳити яратилганлиги ва бошқарувнинг тўғри ташкил этилганлиги эвазига бугунги кунга келиб бу соҳада деярли 100 фоиз хусусий сектор фаолият юритишига еришилди. Яъни, тадбиркорлар соҳага ишонч билан ўз сармояларини тикмоқдалар. Буни эса бугунги кунда соҳада тадбиркорлар томонидан харид қилинган 7,5 мингдан ортиқ автобус, 7 мингдан ортиқ миттиатобус, 42 мингдан ортиқ енгил автомобиллар ва турли русумдаги 32 мингдан ортиқ юк автомобиллари лицензия олиб хизмат кўрсатиб келаётганининг ўзи тасдиқлайди.

Соҳадаги ислохотлардан кўзда тутилаётган энг муҳим вазифалардан бири эса ана шу хизматнинг йўловчилар хавфсизлигини тўла қафолатлай оладиган даражада бўлишига эришишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги (ПҚ-303-сонли) қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор йўловчи ташиш фаолияти билан фақат юридик шахсларгина шуғулланишини белгилаб берди. Унга асосан ўз шахсий автотранспорт воситасида йўловчи ташиётган хусусий тадбиркорлар юридик шахсларга бириккан ҳолда ёки автокорхоналарга ўз уловларини ижарага бериб шартнома асосида ишлай бошладилар. Натижада қарор чиққунга қадар жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314

тани ташкил етган бўлса, 2011 йилнинг 1 апрел ҳолатига уларнинг сони 1997 тага ёки 7,3 марттага ортди ва 2311 тани ташкил этди. Энг муҳими эса, хавфсизлик борасидаги жаҳон стандартларига мос тадбирнинг, яъни ҳар куни ишга чиқиш олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартибининг изчил йўлга қўйилишига имкон яратилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида 2011 йил 14 апрелда 1164-1 рақам билан рўйхатдан ўтган ушбу ҳужжатга асосан юқорида қайд этилган йўриқномага бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, йўриқноманинг аввалги таҳриридан йўловчилар сонини ҳисоблашда “Шаҳар ичи ҳамда шаҳар атрофи йўналишларида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар фақат битта йўналиш бўйича ҳисобга” олиниши ҳақидаги жумла олиб ташланди. Шунингдек, аввалги таҳрирда шаҳар атрофида ташилган йўловчилар сонини ҳисоблаш йўловчи айланмасини мазкур аниқ бир йўналишда йўловчининг ўртача юрган масофасига бўлиш йўли билан амалга оширилган бўлса, янги таҳрир қуйидагича акс этди: “Шаҳар атрофи йўналишларида йўналишнинг шаҳар ичида ташилган йўловчилар сони, шаҳар атрофи автобусларида ташилган умумий йўловчилар сонини йўналишнинг умумий масофасидаги шаҳар ҳудуди қисмининг ҳиссасига кўпайтириш йўли билан аниқланади”.

Шунингдек, ойлик йўл чипталари (карточкалар) ва бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар кўринишидаги турли тоифага мансуб имтиёзлардан фойдаланувчи йўловчилар сонини ҳисоблашни соддалаштириш ва аниқликка еришиш учун йўриқноманинг тегишли иловаси ҳам янгиланди. Жумладан, эндиликда йўловчиларнинг ойлик оқимини санашда алоҳида фуқаролар томонидан харидқилинган ҳар битта ойлик йўл чипталари бўйича 175 юриш, битта турдаги транспорт воситасидан фойдаланиш учун ойлик йўл чипталари бўйича 130 юриш, пенционер ва инвалидлар учун ойлик йўл чипталари бўйича 165 юриш,

талабалар ва мактаб ўқувчилари учун ойлик йўл чипталари бўйича 135 юриш, Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига асосан ягона гувоҳнома (бепул чипта) билан бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар бўйича 45 юриш ҳисобга олинади.

Қонуний фаолият кўрсатаётган ҳайдовчилар давлат корхоналаридаги каби ижтимоий муҳофазага эга бўладилар. Уларнинг иш стажлари ҳам расман юритилади. Шунингдек, уларнинг корхонага қонуний ижарага олинган автотранспорт воситалари ҳар куни техник кўрикдан, ҳайдовчининг ўзи ҳам кунлик тиббий кўрикдан ўтиб туради ва бу аввало ташувчининг, қолаверса йўловчиларнинг ҳам хавфсизлиги таъминланишига хизмат қилади. Ҳатто транспорт воситаларини зарур ҳолатларда ёнилғи мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш учун ҳам қулайликлар яратилади.

2.2. Йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатишда уларни муқобил ишлаш режимини ташкил этиш.

Йўналишсиз таксиларга ва унинг ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар ҳам белгиланган. Унга кўра, масалан, йўналишсиз такси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши ва автомобил транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, Ягона таниш белгилари билан таъминланган бўлиши, соз ҳолатдаги пломбаланган спидометр жиҳозларига, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинасига, шунингдек, тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши лозим.

Йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга эса ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» рухсат белгиси бўлган,

21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчи стажига эга бўлган шахсларгина қўйилади. Шунингдек, бу ҳайдовчилар йўналишда ишлаётганда автотранспорт воситасига тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида белгиларқўйилган йўл варақасига эга бўлиши керак.

Ҳайдовчи йўловчиларни йўналишсиз таксига ўтқазишни ва ундан туширишни йўналишсиз таксиларнинг махсус жиҳозланган тўхташ жойларида, тегишли ҳаракатдаги таркибнинг тўхташига рухсат берилган кўча-йўл шохобчалари участкаларида ҳамда йўналишсиз таксилар йўловчилар буюртмалари бўйича бериладиган жойларда амалга оширади.

Йўналишсиз такси ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларда ҳайдовчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий ёки маъмурий таъсир чоралари қўлланилади. Мазкур Низом 2012-йилнинг 1-январидан бошлаб амалга киритилади.

Бундан ташқари қарорда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юридик шахсларга тегишли бўлган йўналишсиз таксиларга бериш учун давлат рақами белгиларининг махсус сериясини ажратиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида йўналишсиз таксиларга бериладиган давлат рақами белгилари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш бўйича ҳам кўрсатма берилган.

Шунингдек, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ҳам қўшимчалар ва ўзгартиш киритилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 4-ноябрдаги 482-сонқарори билан тасдиқланган Автомобил транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларининг тўловларни амал оширишни кўзда тутувчи

100-бандига қўшимча киритилди. Яъни, тўловлар энди нафақат «нақд пул билан», балки «ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланган ҳолда банк пластик карточкалари маблағлари билан» ҳам амалга оширилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги 138-сонқарори билан тасдиқланган Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига, яъни автомобил транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартларига янги банд қўшилди. Унга кўра энди «йўналишсиз таксиларнинг техник ҳолати ва асбоб-ускуналарининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, ташқи кўринишига ва анжомларига, ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ» бўлиши ҳам лицензиатлар учун мажбурий ҳисобланади.

Бундан ташқари, автокорхоналарнинг профессионал транспортчилар томонидан бошқарилишига эришиш мақсадида раҳбарлар ва ҳаракат хавфсизлигига масъул ходимлар учун малакавий талаблар ҳам ишлаб чиқилиб, ушбу ходимларни малакавий талабларга мослиги бўйича уч йилгача бўлган муддатга аттестациядан ўтказиш тартиби жорий этилди. Бу жараёнда ноҳолисликка йўл қўймаслик учун эса аттестацияни жаҳон андозаларига мос тарзда тест кўринишида, компьютер орқали топшириш йўлга қўйилди.

Хавфсизликни таъминлаш борасида кейинги пайтда амалга оширилган энг муҳим тадбирлардан бири эса жисмонан ва маънан эскирган уловлардан айниқса йўловчи ташишда фойдаланишни босқичма-босқич чеклаш, миттиавтобус йўналишларини автобус йўналишларига алмаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу борада Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан

тадбиркорларга автотранспорт паркларини янгилашда амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида биргина 2010 йил давомида салкам 700 га яқин, жорий йил биринчи чорагида эса 200 га яқин Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган "ИСУЗУ" русумли автобуслар лизинг асосида республикамиз вилоятларидаги автотранспорт корхоналари томонидан сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларига қўйилишига эришилди.

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг “Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобил ва электр транспортида ҳамда соатбай ташишларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланмасини аниқлаш тўғрисида”ги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 52-сонли буйруғи жорий йилнинг 24 апрелидан кучга кирди.

Хайдовчиларни тайёрлаш. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда автотранспорт хайдовчилари тайёрлаш йўналишдаги давлат таълим муассасалари масъул ходимларидан тузилган ишчи гуруҳи барча тоифадаги хайдовчиларни тайёрлаш вақайта тайёрлаш борасидаги мавжуд ўқув режа ва дастурларни қайта ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Бунда айниқса юк ва йўловчилар ташишда қатнашувчи хайдовчилар таркибини тайёрлашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрда қабул қилинган тегишли қарорида жорий йилдан эътиборан автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни фақат шу

йўналишдаги давлат таълим муассасалари, шунингдек, Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, “Тошшаҳартрансхизмат” ва “Транскасб” уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Бундай тартибнинг жорий этилиши ҳайдовчиликка ўқитиш, қайта ўқитиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Давлат таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган муҳандис-ўқитувчи ва инструкторларнинг ўз ишига масъулиятини ошириб, ҳайдовчиликка номзодлар касб сирларини пухта ўрганиши учун талаб янада ортади.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўп жиҳатдан ҳайдовчиларнинг билим ва тажрибасига, йўл қоидаларига қатъий амал қилишига боғлиқ. Шу боис ҳайдовчилар тайёрлаш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини янада мустаҳкамлаш, соҳада замонавий услуб ва ёндашувларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотида ҳайдовчиликка ўқитиш ва қайта ўқитиш бўйича катта тажриба тўпланган. Малакали кадрлар жамоаси ва зарур моддий-техник база йўл қоидаларини пухта эгаллаган ҳайдовчиларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. 2010 йили “Ватанпарвар” ташкилоти жойлардаги муассасаларида 95 минг нафардан ортиқ фуқаро турли тоифалар бўйича ҳайдовчиликка ўқитилди. Ҳозир бундай муассасаларда юзлаб ҳайдовчиликка номзодлар таълим олмоқда. Уларга етти юз нафардан ортиқ ўқитувчи, 1,2 минг нафарга яқин автомобилни амалий бошқариш усталари тегишли ўқув режа ва дастурлар асосида йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаларининг тузилиши ва техник хизмат кўрсатиш асослари, юк ташишни ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий жавобгарлик, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича сабоқ бермоқда.

Автомобилтранспорт воситаси ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори лавозимига билими ўрта маълумотдан кам бўлмаган, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш бўйича узлуксиз беш йил (“Д” тоифасидаги транспорт воситаси бўйича эса узлуксиз етти йил) иш стажига эга фуқаролар олинади. Айни пайтда, улар автомобилтранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспорти воситасини бошқаришни ўргатиш услуби бўйича курсларни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий этилаётган ушбу қоидалар ҳайдовчиликка ўқитиш ва қайта ўқитиш тизими сифати ва самарадорлигини, мутасаддилар ва ўқитувчилар, бўлажак ҳайдовчилар масъулияти, билими ва савиясини янада оширишга, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

2.3. Наманган шаҳрида йўловчилар ташишни ташкил этиш

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидланганидек, “Транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга валоят йирик транспорт тугунларига чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидлашди. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг ғоят муҳим унсури бўлмиш ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистонда транспорт коммуникациялари соҳасидаги миллий қонунчилик изчил ривожлантирилиб, тобора кўпроқ шу соҳадаги халқаро нормаларга мослаштирилмоқда. Охирги йилларда транспорт алоқалари соҳасида талайгина икки ва кўп томонлама битимлар тузилди.

Наманган вилоятида ҳозирда 193 та йўналиш булиб, уларнинг умумий узунлиги 5830,6 кмни ташкил қилади. Шундан 55 таси шаҳар ичидаги йўналишлар булиб уларнинг умумий узунлиги 635,9 кмни ташкил этади.

Шаҳар йўналишларида йўловчиларга 2009 йилдан бошлаб, Наманган йўловчи ташиш Давлат унитар корхонаси хизмат кўрсатиб келмокда. Ҳозирги кунда ушбу корхонада 220 та Исузу русумидаги автобуслар аҳолига хизмат кўрсатмокда. Хар бир автобус кунига белгиланган жадвал асосида 14-18 мартагача катновларни бажаради. Барча йўналишларда йўловчиларни ташиш маятник усулда ташкил этилган. Маршрутлар бўйича “Тигиз пайтлар” соат 7⁰⁰-9⁰⁰ гача ва 16⁰⁰-18⁰⁰ гача кузатилади. Йўналишлар жойлашган автомобил йўлларининг суткалик катнов жадаллиги 8000-10000 авт/соат. Йўловчилар оқими тўғри йўналишда кечки пайт, эрталаб тескари йўналишда ортиши аниқланди.

Автомобилларда йўловчилар ташишни ташкил этиш.

Автомобилларда йўловчилар ташиш мамлакат умумтранспорти тизимининг ажралмас бир қисми булиб, йўловчи транспортининг бошқа турлари билан бир каторда йўловчи ташиш ишлари билан шугулланади.

Транспорт турларидан катъи назар йўловчилар ташишни ташкил этишда уларга умумий талаблар қуйилган булиб, унда йўловчиларни қисқа вақт ичида манзилларига етказиб қуйиш, транспорт воситаларининг бутун маршрут давомида аниқ ҳаракати, транспорт воситаларидан яхши фойдаланиш, ташишни тула ҳавфсизлик билан ташкил этиш, йўловчиларга юқори маданият билан хизмат этиш, иложи борида ҳаражатларни камайтириш талаблари қуйилади.

Йўловчиларни қўлаб ташувчи транспортнинг бошқа турларига нисбатан йўловчилар ташувчи автомобил транспортининг бир канча афзалликлари бор. Бундай афзалликларга, энг аввало, йўловчилар ташувчи

автомобил транспортининг юкори даражали манёврчанлиги, яъни йўловчиларни иш ва яшаш жойларига якинлаштириб етказиб бориш хусусияти, такомиллаштирилган ва каттик копламали йулларда ер усти йўловчилар ташувчи бошка транспортларга нисбатан юкори ҳаракат тезлиги.

Автомобил транспортда Йўловчиларга хизмат курсатиш сифатини ошириш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун республикамиз ҳукамати томонидан бир катор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Автобус транспортининг камчилиги иш унумининг шаҳар атрофидаги темир йул йўловчи транспорти, трамвай ва тролейбусларга нисбатан кичиклиги ҳамда ишлатувчи ёкилгининг қимматлиги билан боғлиқ эксплуатацион ҳаражатларнинг катталиги ва атроф-муҳитни заҳарли моддалар билан нисбатан юкори даражада ифлослантириши ва бошқалардан иборат.

Маршрут (йўналиш)лар тизими дейилганда шаҳар, туман ёки вилоят ҳудудидаги йўловчиларни қўлаб ташувчи барча турдаги маршрутлар йиғиндиси тушунилади

Аҳолиси 250 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлардаги турли йўловчи транспортларини энг оқилона ёндоштириш мақсадида шаҳар йўловчи транспортининг узок даврли (перспектив, яъни 10-15 ва ундан ортиқ йилда мулжалланган) режалари ишлаб чиқилиши зарур. Бундай режалар маршрутлар тизимини комплекс ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

Комплекс маршрут тизими дейилганда барча турдаги йўловчи транспорти иш маршрутлари ва енгил такси автомобилларининг тўхташ бекатлари йиғиндиси тушунилади.

Шаҳар, туман ёки вилоят ичи йўловчилар ташиш маршрутлари конфигурацияси (жойлашуви) маршрутлар тармоғи дейилади. Фақат

автобуслар катнайдиган маршрутлар конфигурацияси автобус маршрутлари тармоги дейилади. Бошка тур йўловчилар транспортининг ҳам тегишлича маршрут тармоклари булади.

Маршрутлар тармоги курсаткичлари. Шахар маршрутлари тизимига қўйиладиган асосий талаблар: йўловчилар шахар чегараси ичида бир катновда ёки бир транспорт воситасидан иккинчисига утиши минимал микдорда бўлиши; шахардаги барча йўналишларида бир катновга минимал вақт сарфлаш; транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, яъни бутун маршрутлар тармоги бўйича транспорт воситаларининг текис тулиб ишлаши ва бошқалар.

Маршрутлар таснифи. Шахар йўловчи транспорти маршрутлари транспорт турлари (автобус, трамвай, троллейбус, метро ва х.к.), маршрутлар тармогидаги ҳаракат йўналишлари, ҳаракат тезлиги ва иш режимларига биноан таснифланади.

Автобус маршрути дейилганда автобус ва маршрутли таксиларнинг бошланғич ва сунгги бекатлар оралигида белгиланган ҳаракат йуллари тушунилади. Шахар автобус маршрутлари шахар ҳудудидаги ҳаракат йулларига биноан ажратилади.

Ишлаш вақтларига кура маршрутлар доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин. **Доимий маршрутларда** йил давомида ва ҳафтанинг барча кунларида транспорт воситалари бир хил микдорда катнайди. **Вақтинчалик маршрутлар** эса муайян мавсумда ёки заруратга кура (масалан шанба ва якшанба кунлари дам олиш учун) ташкил қилиниши мумкин.

Одатда, ҳар бир автобус маршрутига тартиб рақами берилади. Шахар маршрутларига 1 дан 99 (йирик шаҳарларда 199) гача, шаҳар атрофи маршрутларига 101 дан 199 гача (201 дан 299 гача) ва шаҳарлараро маршрутларга кейинги сонлар тартиб рақамлари берилади. Агар экспресс

ва тезлаштирилган маршрутлар булса, автобуслар тартиб ракамларига «Э» ва «Т», кискатирилган маршрутларга эса «Қ» харфлари кушилади.

Автобус маршрутининг сифат курсаткичлари. Автобус маршрутлари ҳаракати ташкил этишдаги йўловчиларга хизмат курсатиш даражаси ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий сифат курсаткичларига қуйидагилар киради: ҳаракат тезриги, ҳаракат интервали, салон сигимининг тулганлик коэффиценти, йўловчилар алмашиш коэффиценти ва уларнинг уртача катнов масофаси.

Ҳаракат интервали дейилганда, маршрутдаги бекатлардан автобусларнинг кетма-кет утиш оралик вақти тушунилади.

Ҳаракат интервалларига қура автобус маршрутлари серкатнов ва сийрак катновли хилларга бўлинади. Ҳаракат интервали 10-15 минутдан ошмайдиган маршрутлар серкатнов маршрутларга киради.

Шаҳар маршрутлардаги йўловчилар оқимининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, бундай маршрутларда эрталабки ва кечки «ташиш чуккиси» соатларида (1,5-2,0 соат мобайнида) ҳаракатнинг серкатновлиги янада оширилиши, қолган вақларда эса, қамайтириб, кечки «ташиш чуккиси» дан сунг эса маршрутлардаги автобусларни аста-секин уз саройларига қайтариш талаб этилади.

Автобуснинг маршрутдаги бошлангич пунктдан то сунги тухтов пунктгача босиб утганйули *рейс* деб аталади. Автобауснинг маршрут бўйича иккала йўналишдаги катнови, яъни унинг бошлангич пунктдан сунги пунктгача бориб, яна бошлангич пунктга қайтиши *айланма рейс* деб аталади. Одатда, автобуслар йўналиш давомида уз номинал сигимларига нисбатан 1,3-1,6 марта қупрок йўловчи ташийди.

Хайдовчилар меҳнатини ташкил этиш. Автобуста ишловчи бригадалар меҳнатини ташкил этишнинг бир қанча шакллари бор. Меҳнатни ташкил этишнинг учланган шакли, яъни ҳар бир автобусга уч

хайдовчи бириктириланда хар куни автобусда икки хайдовчи ишлайди. Хар икки кун ишлаганларидан сунг, улар бир кун дам оладилар. Хайдовчилар иши бундай шаклда ташкил этилганда, бир ой 20 кун ишлаб, 10 кун дам олинади.

Мехнатни ташкил этишнинг бир яримлик шаклида икки хайдовчи учун икки автобус доимий ишлаш учун бириктирилган булиб, учинчи хайдовчи уларнинг иккаласини галма-гал алмаштириб, иккала автобусда хам ишлайди. Мехнатни бундай шаклда ташкил этишда хам хар бир хайдовчи икки иш кунидан сунг бир кун дам олади.

Мехнатни ташкил этишнинг икки яримлик шаклида хар икки автобусда беш хайдоври ишлайди. Бунда икки хайдовчи факат биринчи автобусда, яна икки хайдовчи эса факат иккинчи автобусга ишлайди. Бешинчи хайдовчи галма-гал хар иккала автобусда ишлайди. Хар турт иш кунидан сунг хар бир хайдовчи дам олади.

Йўловчилар айланиши ва оқими

Йўловчилар айланиши дейилганда йўловчилар ташиш бўйича бажарилиши лозим буган ёки бажарилган транспорт иши хажми тушунилади. Йўловчилар айланаш курсаткичи бажарилган йўловчи-километрларда улчанади. Бажарилган йўловчилар айланмаси микдори аҳолини серкатновлиги (йил давомида бир яшовчига тугри келувчи транспортдаги катновлар сони) ва йўловчилар қатновининг ўртача масофаси микдорига боглиқдир.

Йўловчилар оқими дейилганда бир йўналиш бўйича қатнаёган йўловчилар микдори тушунилади. Йўловчилар оқими тушунчаси хам юк оқими тушунчасига хам охангдир. Йўловчилар оқими хам юк оқими каби эпюра ва схема шаклларида берилиб, маълум маршрут бўлаги, маршрут ва йўналиш, тумандаги йўловчилар ташиш кескинлигини билдиради.

Йўловчилар оқимини ўрганишда барча қатновлар икки гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўловчилар оқими.

Биринчи гуруҳ катновига ишга бориб-кайтиш, кун давомида иш билан боғлиқ катновлар, укувчи ва талабаларнинг укув юртларга катнаши киради. Иккинчи гуруҳга томошагоҳлар (театр, концерт, кино)га, маданий ва илмий ташкилотлар (музей, кургазмалар, кутубхоналар, стадионлар, дам олиш боғлари)га, дуконларга. Ва маиший хизмат ташкилотлари (шаҳар атрофида дам олиш, касалхона ёки поликлиника, болалар боғчаси)га бориш билан боғлиқ катновлар киради.

Шаҳардаги йўловчилар обороти йил мавсуми, ҳафта кунлари, сутка соатлари ва йўналишлар бўйича узгарувчанлиги билан характерлидир. Мавсумий узгарувчанлик айниқса курорт шаҳарлар ва йирик маданий марказлар учун характерли ва уларда яққол кузга ташланади. Бунда йўловчиларнинг энг куп микдори ёз ойларига тугри келади.

Ҳафта кунларидаги энг куп йўловчилар микдори дам олиш, байрам ва байрам олди кунлари билан боғлиқ булади.

Йўловчилар оборотининг узгарувчанлиги узгарувчанлик коэффициентини билан аникланади ва у йўловчилар оборотининг максимал микдорини унинг уртача микдорига бўлиш орқали топилади: $\eta = P_{\max} / P_{\text{урт}}$.

Йирик шаҳарларда йўловчилар оборотининг нотекислиги автобус транспортида тахминан: йил давомида ойлар бўйича 1,15-1,20; сутка соатлари бўйича 1,5-2,0 ва йўналишлар бўйича 1,2-1,5 га тенгдир.

Йўловчилар оқимини ҳисоб-натура (жадвал) усули билан текширишда маршрут булаклари ичидаги барча катновлар сони жадвал шаклида ёзиб борилади. Бундай усул билан текширувни ялписига, танлаб ёки бир маротаба утказиш мумкин.

Куз билан караб санаш оркали текширув утказишда маълум салохиятли назоратчи (хисобчи)лар белгиланган ҳаракат маршрутининг йўловчилар куп алмашинадиган ва тухташ жойларида олдиндан ишлаб чиқилган хариталарни тулдириладилар.

Пассажирлар оқимини ўрганиш анкетаси намунаси

Шаҳарнинг номи - Наманган

Сана: 12 май 2011 йил

Хафта куни - жума

Савол	Жавоб	Шифр
1	2	3
Сиз ишга ёки уқишга боришда транспортга қайси бекатдан қайси вақтда чиқасиз?	Маданият саройи 8 с 05 мин.	
Транспортнинг тури ва маршрут раками	Маршрутдаги такси № 4,21	
Уйдан автобус бекатигача етиб келишга сарфланган вақтингиз	0 с.10 мин.	
Каерда Сиз бошқа транспортга 1 марта утасиз? Транспортнинг тури ва маршрут номери	-	-
Юкоридаги саволнинг узи, агар 2-марта бошқа транспортга ўтсангиз	-	-
Транспортдан тушиш (чиқиш) бекатининг номи	Олийгоҳ бекати	
Агар умумфойдаланиш транспортдан фойдаланмасангиз, ишга бориш усулингиз ва унинг вақтини курсатинг	Тагини чизинг: Пиёда бориш, велосипед, енгил автомобиль, хизмат автобуси	
Ишдан сунг қайтиш вақтингиз, транспорт беканинг номи, транспортга чиқиш вақтингиз	15с 05 мин. Олийгоҳ бекати	
Хафта ичида транспортда иш билан боғлиқ бўлмаган катновларингиз сони. Транспортнинг тури	катновлар сони- 6 Транспорт тури - маршрутдаги такси	
Пассажир транспорти ишини	Автобуслар катновини	

такомиллаштиришга каратилган Сизнинг таклифингиз	мунтазамлигини ошириш, хизмат курсатиш нархини меъёрлаштириш	
---	--	--

Шахарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари

Маълум микдор ва йўналишдаги йўловчилар оқимида хизмат этиш учун автобус маршрутларидан фойдаланилади. Маршрутлар йўловчилар ҳосил бўлувчи пунктларнинг жойлашувига кура перегонларга бўлинади. Перегон-бу йўловчи транспортнинг икки қушни бекати орасидаги масофадир. Йўловчилар катновининг уртача масофаси канча катта бўлса, перегонларни узайтириш ҳам шунча катта аҳамиятга эга бўлади. Перегонларни узайтириш бекатлар уртасидаги алоқа тезлигини ошириш имконини беради.

Шахар ичи автобус маршрутларидаги бекатлараро энг макбул масофа йўловчилар катнови узунлигига боғлиқ равишда 300 дан 700 метргача бўлиши тавсия этилади.

Шахар атрофи йўловчилар ташиш ҳаракатида эса бекатлараро масофа 700-1000 метр, узок манзилларга катновчи автобус маршрутларида эса йулдаги аҳоли яшаш пунктларини ҳисобга олган ҳолда бўлади.

Бекатларда автобусларнинг маршрут рақамларини кўрсатувчи махсус табло бўлиб, унда ҳаракат интервали ва бошқа маълумотлар курсатилади. Сўнгги бекатлар эса хизмат хоналари билан жихозланган бўлиши лозим. Кейинги пайтларда йўловчилар гавжум бекатларда савдо шохобчалари, тезкор қаҳвахоналар ташкил қилинаётир.

Ҳаракат ҳавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда ва чоррахаларнинг утказа олиш хусусиятларини ошириш мақсадида, чоррахаларга яқин бекатлар улардан камида 25-30 метр масофада ташкил этилади.

Бекатнинг утказа олиш хусусияти дейилганда ундан 1 соат ичида бир томонга ута олиши мумкин бўлган автобусларнинг максимал микдори

тушунилади. Чоррахаларга якин жойлашган бекатларнинг бир томонга утказа олиш хусусияти соатига тахминан 100 та автобусга тенг.

Йўловчилар ташиш шарт-шароитлари. Йўловчиларнинг автобусда катнаши учун салонда сотиб олинган чиплгтаси ёки катнаш ҳукукини берувчи махсус ҳужжати бўлиши шарт.

Куйидаги ҳолатлардан ташкари, автобусларда йўловчиларни ташишга ҳеч қандай тускинлик бўлмаслиги лозим: йўловчи белгиланган ташиш коидасини бажармаса; агар ташиш ҳокимият топширигига биноан тухтатилган ёки фавкулудда ҳолатлар билан боғлиқ бўлса; агар автобусда буш жой қолмаган бўлса; агар йўловчи маст ёки бошқа йўловчилар соғлигига путур келтирадиган ҳолатда бўлса.

Шаҳарларда йўловчилар ташувчи автобуслар ҳаракатини ташкил этиш.

Автобуслар ҳаракатини ташкил этишда бир қатор узаро боғлиқ эксплуатацион-техник шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур. Булар қаторига қуйидагилар қиради: автобуслар тармоғининг жойлашуви (конфигурацияси); маршрутлар йўналиши ва характери; йул ва бекатларнинг утказа олиш хусусиятлари; ҳаракат тезлиги ва интерваллари; автобуснинг тулганлик даражаси ва йул давомида йўловчиларнинг алмашинуви.

Ташиш мунтазамлиги маршрутдаги маълум сонли автобуслар ҳаракати мунтазамлигини талаб этади. Бунга эса ҳаракат интервалининг аниқ бажарилиши (Y) ва унга мос частота (R) га риоя этиш орқали эришилади. Шаҳар маршрутларидаги ҳаракат частотаси одатда соатига 12-15 автобусдан, айрим маршрутларда эса 4-5 автобусдан иборат бўлади. Йўловчилар зичлиги қуввати катта бўлган маршрутларга эрталабки ва кечки «ташиш чуккиси» соатларида камида 15 та автобус чиқарилиши лозим.

Харакат интервали ҳаракат частотасига боғлиқ бўлиб, у маълум жой (бекатдан) навбатдаги автобус қанча вақт оралиғида автобус утишини билдиради ($U \cdot 60/R$) ва минутда улчанади. Ҳаракат интерваллари шаҳар маршрутларида, одатда, 4-6 минутни ва қамдан-қам ҳолларда 12-15 минутни ташкил этади.

Автобус тухташ жойлари

Автобуслар тухташ жойлари, одатда, йул ва кучларнинг текис-горизонтал бўлағида ҳамда Йўловчи-ҳаракат полосаси билан туташтирилган бўлиши лозим. Автобус тухташ жойлари белгиланган талабларга биноан бошқа жойларда ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қуйидаги қушимча йул шароитлари бўлиши талаб этилади.

Белгиланган талаб регламентлари автобус тухташ жойларини йулларнинг кесишувчи ва туташувчи ерларида жойлаштиришни ҳамда Йўловчиларнинг автобус тухтов жойига келиши қулай бўлишини назарда тутди.

Автомобил ва алоқа йулларига қуйиладиган талаблар

«Автомобил транспортида йўловчилар ташишни ташкил этиш қоидалари»га қура автобусларда йўловчилар ташишда йуллар қуйидаги асосий шарт-шароитларга жавоб бериши лозим:

- йулнинг транспорт қатнови қисми яхши бўлиб, унинг қенглиги қарама-қарши йўналишларда автомобилларнинг етарли даражада ҳавф-ҳатарсиз ҳаракатланишига имқон бериши;
- автобус қигимидан қисқимал қойдаланилганда уққа тушувчи қисса маршрутдаги қуприқлар учун қоиз оғирлиқдан ортиқ бўлмаслиғи;
- темир йул қесишмаларидан автобусларнинг утиши темир йул транспорти бошқармаси билан қелишилиши, бунда автомобил йуллари ва қучаларнинг темир йуллар билан қесишуви қурилиш

меъёрлари ва коидалари ҳамда темир йул транспорти талабларига мос келиши зарур;

- ҳаракат учун хавфли булган барча жойлар, зарур ағохлантирувчи белги ва тусиклар билан жихозланиши;
- автобус маршрутларининг бошланиш ва охири жойларида «чунтаклар» ва йўловчилар учун махсус майдончалар булиши.

Ҳар бир маршрутдаги йул шароитлари йил давомида камида икки марта махсус комиссия билан текшириб чиқилиши зарур. Бундай комиссияга вилоятлар, Қорақолпағистон ва Тошкент шаҳар автомобилларда ташиш уюшмалари йўловчилар хизмати ходими, Давлат автомобил назорати (ДАН) йул хизмати ходими ва ҳокимият ходимлари киритилади.

Автомобил транспорти йўловчилар ташиш маршрутларининг катнов шароитларига мослигини назорат этишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Йул копламасида автомобил уз бошқарувини йукотишга ва синашга олиб келувчи чуқурлар ва чуқиб қолган нотекис жойлар булишига йул қуймаслик зарур.

Тақомиллаштирилган копламали ва катнов қисми қенглиги 7 м дан ортиқ булган йулларда транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш мақсадида йулларнинг катнов қисми ва утиш жойларига қизиладиган белгилар аниқ ва яхши қуриниши лозим. Бундай белгилашлар «Йул ҳаракати қоидалари» талабларига биноан ҳамда «Автомобил йуллари ва шаҳар қучалари катнов қисмига белгилар қуйиш йуриқномаси»га риоя қилинган ҳолда бажарилади.

Барча йўллар узоқ масофадан ҳам яхши қуринувчи йул белгилари билан жихозланиши лозим.

Йўлларнинг таъмирланувчи булагининг стандарт тусик, қучма устунчалар ва ағохлантирувчи «Таъмирлаш ишлари» белгилар билан ўралган бўлиши шарт. Бундай белгилар йулнинг ҳар икки томонидан

хам икки жойда: биринчиси таъмир жойидан 150-250 м (шахарлар ва аҳоли пунктларида 50 м) масофада. Иккинчиси эса таъмирланувчи булакнинг ўзида қўйилиши лозим. қоронғи тушиши билан бундай жойларда кизил сигнал фонари ёқиб қўйилиши керак. Ишламаётган йул машиналари йулнинг қатнов қисмида қолдирилмаслиги лозим.

Йўловчи транспорт воситаларининг маршрутдаги ҳаракатини тухтатиш шарт-шароитлари

Автобус ва троллейбус маршрутлари ташкил этилган автомобил йуллари, шаҳар ва туман кучалари ҳаракат хавфсизлигини мунтазам таъминлаши, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва ҳайдовчилар иши учун зарур шарт-шароитларга эга бўлиши лозим. Агар юкорида келтирилган шартлар бажарилмаса, йўловчилар ташувчи транспорт воситалари ҳаракати тухтаб қўйилиши мумкин.

Йўловчилар ташувчи транспорт воситалари ҳаракати қуйидаги шароитларда бутунлай тухтатилиши ёки қисман чегараланиши мумкин:

- ҳаракатга хавф тугдирувчи ҳолларда ёки йул-иқлим шароити кескин узгарганида (вақтинча);
- агар маршрутдаги йул шароитлари кескин ёмонлашса ва ҳаракат хавфсизлигига қаратилган чоралар қўриш имкони бўлмаса ҳамда йул шароитларини текширув далолатномасида қўрсатилган ҳаракатга хавф тугдирувчи ҳолатлар белгиланган муддатда бажарилмаса, бутунлай тухтатилади.

Йўловчиларни ташишни ташкил этишда автобуслар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим: йўловчиларнинг чиқиши ёки тушишидаги қулайлик, йўловчилар уриндикларининг комфортабеллиги ҳамда бошқарувнинг енгиллиги.

Шаҳар автобусларида, йўловчиларнинг чиқиш ва тушиш вақти, улар умум қатнов вақтининг қўпроқ улушини ташкил этганлиги учун

йўловчилар уртача алока тезлигига анчагина таъсир этади. Бундай вақт сарфи иложи борица камайтирилиши зарур. Шунинг учун ҳам шаҳар автобуслари конструкциясида бир неча (иккитадан кам булмаган) эшиклар булади.

Наманган шаҳрида йўловчиларни ташишни ташкил этиш таснифи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолига транспорт хизмати курсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчида уртасида ошкора, соғлом рақобат мухитини яратиш, курсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос, булиши, йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчилар ташиш бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, Йўловчи транспорти ходимларини моддий манфаатдорлигини кучайтириш, хусусий ташувчилар фаолиятини факат юридик мақомга эга булган ташкилотлар орқали амалга ошириш, йўловчилар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган фармон ва унинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Қарорлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан Наманган шаҳридаги барча маршрутларда йўловчиларни ташишни, ташкил этиш учун қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилади.

1. Автобус йўналишларида мунтазам катновларни амалга оширишда қуйидаги ҳужжатларга эга булиши талаб этилади:

- тендер контрактга мувофиқ ушбу йўналишда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома;
- ташув турига мос келувчи лицензия;
- йўналиш ҳужжатлари (ҳаракат жадвали, йўналиш схемаси, йул варақаси);
- келиш ва кетиш вақти белгилувчи йул варақаси ва чипталарни ҳисобга олиш варақаси;

- йул варакаларида йулга чиқишдан олдин белгиланган тартибда утказилган автотранспорт воситаларини техник куриқдан утганлиги хақидаги кайд;
- йул варакаларидан йулга чиқишдан олдин белгиланган тартибда утказилган хайдовчиларни тиббий куриқдан утганлиги хақидаги кайд;
- хайдовчилик гувоҳномаси ва огохлантириш талони;
- навбатдаги куриқдан утганлиги тугрисидаги белги мавжуд булган транспорт воситасининг техник паспорти;

2. Йулга чиқишдан олдин транспорт воситасининг созлигини, тулик жихозланганлигини (ёнгин учиргич, тиббиёт кутичаси, мажбурий тухтатилганликни билдирувчи белги, йўналиш белгиси (трафаретнинг мавжудлиги) ҳаракат давомида техник ҳолатини мунтазам текшириб бориш, транспорт воситасини узбошимчалик билан ноқонуний жихозламаслик (завод томонидан кузда тутилмаган ортикча уриндиклар урнатмаслик, уриндик сонидан ортикча одам олмаслик).

3. Ҳаракатланишдан олдидан йўловчиларни автотранспорт воситасига тулик чикканлигига ва эшиклар тулик ёпилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сунг ҳаракатни бошлаш, ҳаракат вақтида белгиланган тезликни оширмаслик об-ҳаво шароити ва йулларнинг ҳолатига қараб ҳаракатланиш, йул ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш.

4. Уз автотранспорт воситасида автомобил йуллар ва қучаларда ҳаракатланишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- автотранспорт воситасига чиқаётган ҳар бир йўловчининг буюмларига алоҳида эътибор қилиш, охириги, бекатларда йўловчилар тушгандан сунг салонни куздан кечириш, санитар ҳолатига эътибор бериб, лозим бўлса тозалаш, транспорт воситасини қаровсиз қолдирмаслик, агар тез ёнувчи, портловчи ва инсон ҳаёти ва соғлигига зарар келтирувчи шубҳали моддалар аниқланганда аниқ орадаги ички ишлар идораларига зудлик билан хабар қилиш.

Боб бўйича хулосалар

1.Йўловчилар хавфсизлигини тўла кафолатлай оладиган даражада бўлишига эришиш.

2.Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга ошириш.

Натижада жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг 1 апрел ҳолатига уларнинг сони 1997 тага ёки 7,3 марттага ортди ва 2311 тани ташкил этди.

3. Хавфсизлик борасидаги жаҳон стандартларига мос тадбирнинг, яъни ҳар куни ишга чиқиш олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартибининг изчил йўлга қўйилишига имкон яратилди.

Шунингдек, ойлик йўл чипталари (карточкалар) ва бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар кўринишидаги турли тоифага мансуб имтиёзлардан фойдаланувчи йўловчилар сонини ҳисоблашни соддалаштириш ва аниқликка эришиш учун йўриқноманинг тегишли иловаси ҳам янгиланди.

4. Автобус йўналишларида мунтазам катновларни амалга оширишда ҳужжатларга эга булиши.

3- БОБ. УҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

3.1.Янги педагогик технологиялар, уларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари

Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги авлодини бажаришда Олий ва Ўрта махсус таълим тизимида Ўқитишнинг қуйидаги педагогик технологияларини қўлланиш тавсия этилиши мумкин. 1) Ўқитишнинг креатив технологияси; 2) лойиҳалар методини қўлланиб Ўқитиш технологияси; 3) муаммоли Ўқитиш технологияси; 4) Ўқитишнинг ишбилармонлик Ўйинлари технологияси; 5) Ўқитишнинг информацион ва телекоммуникацион технологиялари; 6) автоматлаштирилган Ўқитиш тизими; 7) программаланадиган Ўқитиш технологияси; 8) Ўқитишдаги инновацион технологиялар.

Бу технологиялар проф. Л.В. Перегудов томонидан таклиф этилган бўлиб [11], уларни қайта қўрилган ва янги маълумотлар қўшилган ҳолда қуйида келтирамиз.

Инсон фойдаланадиган технологияларнинг икки тури: саноат ва ижтимоий технологиялар бор.

Ижтимоий технологиялар – олдиндан аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун турли даражада ва кетма-кетликда фойдаланиладиган турли-туман тадбирлар, усуллар ва воситаларнинг махсус ташкил этилган мажмуидир. Ўқитишнинг креатив технологияси – Ўқувчининг ижодий фикрлашини узлуксиз шакллантириб боровчи ва қобилиятини ривожлантирувчи технологиядир. Унинг мақсади – инсонда ижодкорликни уйғотиш ва унинг ўзида бор бўлган ижодий имконият (потенциал) ни ривожлантиришдир. Ўқитишнинг креатив технологияси бажарилганда шахс ижодкорлик объекти даражасидан ижодкор субъектга ўтказилади, ўқув материали ўзлаштириш фанидан бирон ижодкорлик, яратувчанлик мақсадига эришиш воситасига айланади. креатив технология янги керакли билим олиш, яратиш ва ишлаб чиқаришга қаратилган. бунда талаба

билимларни ўзининг хусусий интеллектуал маҳсулотини (компьютер программаларини, ихтиролар, тадқиқотлар ва б.) ўқитувчи раҳбарлигида яратиш жараёнида олади.

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш учун қуйидагилар зарур бўлади:

- ўқитиш, билим-таълим бериш жараёнининг бутунлигини, унинг бундан аввал берилган таълим билан узвий кетма-кетлигини таъминлаш. Бунда вертикал бўйича умумлаштирилган курслардан фойдаланилади.

- талабаларнинг ижодий масалаларни ечиш бўйича излаш, билиш фаолиятини барча ёки, ҳеч бўлмаса, кўпчилик аудитория дарсларида Ўқув жараёнига киритиш;

- ўқув бўлинмаларида ва умуман таълим муассасида узлуксиз ижодий ўқитиш муҳитини яратиш;

- таълимга нисбатан янги менталитетни шакллантириш: таълим билимларни нафақат олади ва нусхасини кўпайтиради, балки, энг асосийси, янги билим-маълумотларни яратади;

- тизимли фикрлашни, ностандарт ғояларни яратиш ва оригинал ечимларни қабул қилиш қобилиятини ривожлантирувчи метод сифатида тизимли ва программа-алгоритмик ёндошишдан фойдаланиш;

- техника-технологияга оид тизимли фикрлашни шакллантириш ва яратувчанлик қобилиятларни ривожлантириш жараёнларини, шунингдек тегишли мотивацион соҳани аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда бошқариш;

- шахснинг тизимли фикрлаши, интеллектуал фаоллиги ва коммуникативлик (ўзаро фикр алмашинувчанлик, боғланувчанлик) сифатларини ривожлантиришда «ижодий гуруҳларнинг» ташкилий шаклидан кўп функцияли дидактик восита сифатида фойдаланиш;

- малака тавсифининг бирор қисмини таъминловчи умумлаштирилган (горизонтал бўйича интеграция қилинган) фанлар ҳисобига, шунингдек

назарий ўқитишни малакавий амалиёт билан узвий бирлаштириш йўли билан касбий қизиқишни ривожлантириш.

Талабалар олган қуйидаги қобилиятлар уларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш самарасини баҳолаш мезонлари бўлади:

- тадқиқот объектини фикран ёки амалда таркибий қисмларга ажратиб, тизимли таҳлил қилиш (мазкур ҳолатда объектни ташкил этган алоҳида элементларнинг моҳияти, уларнинг боғланишлари ва ўзаро таъсирлари ўрганилади);

- ахборот ҳажми етарли бўлмагани ҳолда ноаниқ муаммоли вазиятдан масалаларни белгилаб олиш ва тўғри изоҳлаш;

- ҳал этиладиган муаммо бўйича илмий-техник ахборотни аниқ мақсад йўналишида излаш;

- ностандарт оригинал ғояларни яратиш ва гипотезаларни олдинга суриш;

- мумкин бўлган барча вариантларни ҳар томонлама объектив баҳолаш асосида улар ичидан рационал (мақбул) ечимни аниқ мақсадли излаш;

- тизимли тадқиқ натижалари бўйича хулоса ва таклифларни бир маъноли ифодалаш;

- тадқиқот объектларининг ривожланишини башорат этиш;

- муаммони ечишда юзага келадиган (маъмурий, техникавий, физик ва б.) зиддият-ларни ностандарт топиш, шакллантириш ва ҳал этиш;

- хусусий фикрлашидаги инерцияни енгиб, хилма-хил фикрлаш.

Ўқитиш креатив технологияда—бу нафақат ўқув, балки маҳсулли фаолиятдир, бу нафақат билимларни олиш, балки янгиларини яратиш ҳамдир. мазкур технология лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологиясига яқин. креатив технологияда лойиҳа ўқитиш методи сифатида бўлиши билан бирга нафақат ўқув, балки ҳаётий маънога ҳам эга.

Лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси. лойиҳалар методи бугун ривожлантирувчи ўқитиш технологияси сифатида қўлланилмоқда. унинг мақсади талабанинг ижтимоий-маданий муҳитда лойиҳалаш фаолиятига фаол киришиши учун ўзининг мавжуд билимларини фаоллаштиришига ва янгиларини (баъзан, мустақил таълим йўли билан) олишига йўналтирилган [12; 13; 14]. бу технологиядан кўпинча, ўқитишнинг бошқа технологияларга (масалан, ўқитишнинг креатив технологиясига қ.) қўшимча равишда фойдаланилади. Лойиҳа, Ўқитиш методи сифатида кўпчилик ҳолларда фанлараро характерга эга. Шунинг учун уни интеграллаштирилган курсларни ўрганишда қўлланиш кўпроқ мақсадга мувофиқ келади. Лойиҳалар индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин.

Талабалар ва ўқитувчининг лойиҳа устида кўрсатадиган фаолиятида маълум структура (кетма-кетлик ва мантиқий тузилиш) бўлади.

1 босқич – лойиҳани тайёрлаш: лойиҳа мавзуси ва мақсади аниқланади; талабалар ўқитувчи билан биргаликда лойиҳани муҳокама қилади ва консультация (лойиҳани бажаришга оид йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида бериладиган маслаҳат, ёрдам, ўтказиладиган суҳбат ва машғулот) олади; ўқитувчи лойиҳани бажариш истиқболларини очиқ беради, мақсадларини тушунтиради ва маслаҳат беради.

2 босқич – режалаш: ахборот манбаларини, ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш усулларини, ҳисобот шаклларини, натижа ва жараёни баҳолаш мезонларини аниқлаш, вазифаларни тақсимлаш (лойиҳани гуруҳ билан бажаришда) талабалар иш режасини ишлаб чиқади ва вазифаларни аниқ ифодалаб таърифлайди, ўқитувчи эса режа ва вазифаларга тузатишлар киритади, ўз фикрини таклиф этади, натижани олдиндан башорат қилишга ёрдам беради.

3 босқич – тадқиқот; ахборот тўплаш, қўйилган масалаларни ечиш; талабалар тадқиқот ўтказиб, оралиқ ва сўнги вазифаларни ҳал этади,

ўқитувчи эса бу ишларни кузатиб боради, зарур бўлганда ёрдам ва маслаҳат беради. Ахборот манбаи сифатида интервью, сўроқ, кузатиш, тажриба, маълумотнома адабиётлар билан ишлаш ва б. дан фойдаланилади.

4 босқич – тадқиқот натижаларини умумлаштириш: ахборотни таҳлил қилиш, хулосалар ва таклифларнинг мантикий тузилиш шаклини белгилаш ва ифодалаш; ўқитувчи маслаҳат беради.

5 босқич – ҳисобот (натижаларни топшириш): оғзаки маъруза, реферат, курс иши ёки лойиҳаси, стендга қўйиладиган материал, ёзма ҳисобот, китоб, рисола ва ҳ.к.

Талабалар ҳисобот беради, доклад қилади, ўқитувчи эса талабалар билан баб-баравар ва экспертлар билан биргаликда эшитади, саволлар беради ва тўғрилайди.

6 босқич – натижалар ва жараёни (лойиҳанинг тугалланганлигини) баҳолаш: талабалар лойиҳа қатнашчиларининг (баъзан, Ўзининг ҳам) рейтингини баҳолаш ва аниқлашда қатнашади; ўқитувчи талабалар ва экспертнинг ишини баҳолайди, бунда лойиҳа қатнашчиларининг фикрини назарга олади, кейинги тадқиқотларни бажариш учун далиллар келтиради.

Информацион технологиялар даврида телекоммуникацион лойиҳалар энг истиқболли бўлади. Бундай лойиҳалар: тадқиқот шаклида; ижодий; информацион; амалиётга қаратилган; табиий фанлар; ўқув ўйинлари ва б. бўлиши мумкин. Телекоммуникацион лойиҳаларни амалда қўлланиш шакли телеконференциялар, қатнашчиларнинг «компьютер-компьютер» ёрдамида телекоммуникацион синхрон алоқа орқали ёзишмалари ва ҳ.к. дан иборат. Лойиҳалар ёки телекоммуникацион лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси:

- кадрларни амалиётга ва шахсий имкониятларига қаратиб тайёрлашни кучайтиради;

- талабаларнинг ўзидаги шахсий имкониятларидан амалда қандай фойдаланаётганлигини ва сардорлик сифатларини намоён этаётганлигини билишга имкон беради.

Муаммоли ўқитиш технологияси – бу ривожлантирувчи ўқитиш технологияси бўлиб, фаол билим орттириш жараёнини рағбатлантиради ва фикрлашнинг мантиқий кетма-кетлик стилини шакллантиради. бу технология олий мактабда энг самарали технологиялардан бири ҳисобланади. Муаммоли ўқитиш моҳияти ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқишида муаммоли вазиятларни ташкил этиш ва ўқув (яхшиси, ҳаётий) масалалар, муаммолар ва саволларни ечиш йўли билан янги билимларни ўзлаштириш фаолиятини бошқаришдан иборат.

Муаммоли вазият ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан фанларни ўқитишдаги мантиқий кетма-кетликка ўхшайди. Кетма-кетлик принципи шундан иборатки, бунда таълимнинг даражаси жиҳатдан юқори ҳар бир босқичида ўқитиш мазмунини аниқлашда аввалги босқичларда ўзлаштирилган билимлар, яъни таълим ҳисобга олинади. Худди шу каби, агар вазиятдаги янги билим аввалги билим билан боғланган бўлса, у муаммоли вазият деб ҳисобланади.

Муаммоли вазият – бу билим олиш мақсадида махсус яратилган ақлий фаолият ҳолатидир. Бундай вазият заминидан илгари ўзлаштирилган билимларнинг хотирада қолганлиги ва янги содир бўлган масалани ечиш учун ақлий ёки амалий ишлаш усули ётади.

Муаммоли вазият аломатлари: талабалар учун номаълумликнинг мавжудлиги; номаълумликни ҳал этишга қаратилган кўрсатма; билимнинг етишмовчилиги туфайли содир бўлган қийинчиликни ҳал этишда «шахсий манфаатдорлик»

Демак, муаммоли вазият биронта масалани ечишда аввал ўзлаштирилган билимлар камчилик қилиб, янгиларини олиш керак бўлганда юзага келади.

Муаммоли ўқитишда аввал вазиятли масала ёки топшириқлар пайдо бўлади, шундан сўнг ўқув муаммоси шакллантирилади. Ўқув муаммосининг асосий белгилари: номаълумликнинг мавжудлиги, бу номаълумликни топиш янги билимларнинг шаклланишига олиб келади; номаълумликни топиш мақсадида (хотираси, ўқув ва илмий-техник адабиётлардан) излаш учун талабаларда маълум даражада билимлар захираси бўлиши лозим.

Кейин талабалар муаммони ечиш усулини қидиради, бунинг учун турли таклифларни билдиради, билдирилган танқидий ва мустақил фикрларни таҳлил этиш, умумлаштириш асосида улардан биттаси тўғри, деб топилиб, гипотеза тарзида қабул қилинади ва исботланади. Излаш муаммонинг ечимини текшириш билан тугалланади.

Билиш, излаш фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат: 1. Муаммоли вазият. 2. Ўқув муаммоси. 3. Муаммонинг ечимини излаш. 4. Муаммони ечиш ва уни текшириш.

Ўқитувчи муаммоли ўқитиш шароитларида дарсларни ташкил этиш ва ўтказишда талабаларга тайёр ҳақиқат ва ечимларни бермаслиги лозим. ўқитувчи:

- талабаларнинг излаш фаолиятини керакли йўналишда ривожлантириши лозим;

- талабаларга улар, ҳам дарсларда, ҳам кундалик амалиётида оладиган маълумотларини, учратадиган воқеалар, фактлар ва ҳодисаларни ўз онгида қайта идрок этишига ёрдам беради.

Ўқитувчи муаммоли ўқитишда талабаларнинг билим орттириш фаолиятини шундай ташкил этиши лозимки, талабалар фактларни тизимли таҳлил этиш асосида интеллектуал қийинчиликларни мустақил ҳал эта олсин, хулоса чиқариш ва умумлаштиришни бажарсин, қонуниятларни ифодаласин, олган билимларини янги вазиятда қўллана олсин. Бундай ўқитишда талабаларда билимларни мустақил олиш, гипотезаларни олдинга

суриш ва уларни исботлаш йўли билан ақлий фаолиятнинг янги усуллари топиш, билимларни қўлланиш кўникмаларини яратиш, диққат ва тасаввурни ривожлантириш қобилиятлари шакллантирилади. пиравордида буларнинг барчаси билим орттириш фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Муаммоли ўқитиш технологиясининг асосий вазифаси – талабаларнинг билимлар тизимини ва ақлий фаолият усуллари самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларни янги вазиятларда ижодий қўллана олиш, ўқув муаммоларини ечиш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил билим орттириш қобилиятларини сингдиришдан иборат.

Муаммоли ўқитишда муаммонинг мураккаблигига, талабаларнинг билим ва маҳоратлари даражаси, вазият ва ечимларни излаш кўникмалари, дидактик зарурлигига қараб, ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар уч даражада бўлади.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, муаммоли ўқитиш технологияси таълим жараёнини амалга оширишда универсал восита ҳисобланади. Бу технология талабалар вазиятли масалани излаш фаолиятига, муаммони ифодалаш ва ечишга тайёрлангандагина самарали бўлади. ўқитувчи бирор ўқитиш технологиясини ёки уларнинг бирикмасини танлар экан, дарснинг мақсади, ўқув материалининг мазмуни, аудитория характери, унинг тайёрлик даражасига асосланиши лозим.

3.2. Ўқитишдаги информацион ва телекоммуникацион технологиялар.

Талабаларга компьютерлар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборот узатиш усул ва методларининг мажмуи, билимларни ўзлаштиришни текшириш, реал ҳаётда олинган билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш.

Ўқитишдаги информацион технология даражаси, ҳам программалар, ҳам аппаратлар билан таъминланганлик билан баҳоланади.

Программа таъминоти бошқарувчи муҳит бўлиб, ўрганувчи (талаба) нинг ҳаракат-ларида содир бўладиган вазиятга қараб, адекват (мос) жавоб беради. программа таъминоти махсус ишлаб чиқилган ёки ўқитишда қўлланишга мосланган бўлади.

Ўқитишда қўлланиладиган программа таъминоти вазифасига қараб қуйдагича тавсифланади:

- Ўқув материалнинг интерактивлиги, мультимедийлиги, катта ҳажм ва гипер-матнлилигини таъминлайдиган электрон интеллектуал дарсликлар асосида автоматик ўқитиш тизимлари;

- микромирлар деб аталувчи фанга йўналтирилган муҳитлар;

- лаборатория машғулотлари;

- тренажёрлар;

- маълумотнома тизимлар;

- компьютерли ўйинлар.

Автоматлаштирилган ўқитиш тизими ўқув курсини ёки унинг катта бўлимини мустақил ўзлаштиришга имкон яратади. Бу тизим ўзида оддий дарслик, масалалар тўплами, лаборатория машғулотлари, маълумотнома ва ўзлаштирилган ахборотни текширувчи эксперт хусусиятларини мужассамлантирган:

- материални ўрганишнинг мақбул йўлини таъминлайди, яъни талабага назарияни ўзлаштириш ва мисоллар ҳамда намунавий масалаларни ечиш кўникмаларини ишлаб чиқиш навбат-тартибини мустақил ташкил этишига, шунингдек олган билим ва кўникмалари сифатини ўзи текширишига имкон беради;

- Таҳлил ва тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини сингдиради;

- Ўқувчининг вақтини тежашга имкон беради.

Фанга йўналтирилган муҳит ўқув программалари пакетидан иборат бўлиб, маълум класс объектлари билан иш кўришга, улар ўртасидаги муносабатни ва объектлар ҳамда муносабатлар устида олиб бориладиган ишларни бажаришга, шунингдек объектларни ва уларнинг хоссаларини яққол тасаввур этишга имкон беради.

Талаба муҳит объектлари билан иш кўрганда топширилган дидактик масалага эришиш, ёки мустақил тадқиқотларни бажаришни мақсад қилиб қўяди.

Лаборатория машғулотлари. Бу машғулотлар программаси кузатишлар олиб бориш, турли виртуал объектларни тадқиқ этишда ўтказиладиган кузатувларни сон ва график жиҳатдан тасаввур этиш учун мўлжалланган.

Тренажёрлар техникавий масалаларни ечишдаги кўникмаларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Тренажёрлар программаси: назария ва маълум масалаларни ечиш усуллари бўйича ахборот олиш; турли даражада мустақил машғулот ўтказиш; текшириш ва ўз-ўзини текширишга имкон беради.

Видеокomпьютерли ўқитиш технологияси – талабаларнинг фаол билиш, билим орттириш жараёнларини рағбатлантирувчи технологиядир [15]. Бу технология ўқув ахборотларининг вербал ва тасаввурли шакллари биргаликда намоён этиш, ўқитиш жараёнини мақсадларга мослаштириш имконини беради. Талабалар компьютер билан индивидуал ўқитилганда дарсларда коммуникатив фаолият кўрсата олмайди, бундан ташқари, муаммоли ўқитиш заминидаги эвристик аспект йўққа чиқади. Кузатишларнинг кўрсатишича, ўқитувчи, билимларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этувчи ва бошқарувчи доминанта сифатида ўқитишнинг янги моделларида ўқувчиларнинг компьютер билан ишлагандаги расмий кўникмаларига фақат тузатишлар киритиш ва назорат қилиш билан чекланади.

Компьютерли ўқитишнинг яна бир камчилиги – образларнинг йўқлигидир, бу эса ўқитишнинг эмоционал-мотивацион аспектини сусайтиради. Шунинг учун техникавий фанларни ўрганишда компьютерли ва видеоматериалларни қўшиб ишлатиш ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ривожлантиради. Бунга аудиовизуал материалларни муаммоли тузиш, ўқувчилардан билимларни танлаб фаоллаштиришни ва муаммоли вазиятлардан чиқишни излаш йўлини талаб этувчи саволлар тизими кўмаклашади.

Ўқитишнинг видеокомпьютерли моделини очик тизим сифатида қараб, унга ўқитишнинг бошқа анъанавий воситалари қўшилиши мумкин. Албатта, ҳар бир алоҳида ҳолда вербал-визуал ва тасвирли ахборотнинг салмоғи ўзгариши мумкин. Буларнинг барчаси компьютерли ва видеотехнологиялар тасвирлаш воситаларининг мазмуни ва хусусиятларига ва мазкур мавзуни ўрганишда эришиш лозим бўлган дидактик мақсадларга боғлиқ.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар – бу талабаларнинг *тизимли ижодий фикрлашини* ва ижодий масалаларни ечишда ностандарт ғоя-фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган технологиялардир.

Инновацион ўқитишнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- талабада бошқа кўпчилик одамлар учун кўринмайдиган нарсани кўриш қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш;

- талабанинг кўрганини, янги нарса яратиш нуқтаи назаридан, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш. Бунда фақат янгилик эмас, балки муаммо ёки масалани самарали ҳал этиш мақсади қўйилади.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар учта мақсадни кўзда тутлади:

- талабанинг шахсий-интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш;

- талабанинг илмий тадқиқотлар кўникмаларини эгаллаши ва бунга мос фикрлаш тарзини пайдо қилиш;

- ижтимоий-иқтисодий ва касб доираларида янгиликлар киритиш методологияларини билиш.

Таълимнинг инновационлигини тавсифловчи бошқа муҳим омил инновацион динамикадир. Бу, жараённинг босқичларини, бошланғич илмий билимларни натижаловчи маҳсулотга (товар ёки хизматларга) айлантириш метод ва усулларини ифодалайди.

Таълимнинг инновационлиги нафақат унинг дидактик тузилишига, балки ижтимоий муҳим натижаларга – Ўқитувчининг психологик сиймосига ҳам тегишлидир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти борликни ўзгартиришга, муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усулларига қаратилган.

Ўқитувчи билан талабанинг янгича муносабатларида мажбурлаш ва буйруқларига бўйсундириш бўлмаслиги, балки тенг ҳамкорлик ва биргаликда ишлаш туйғу-хислари бўлиши лозим

Ўқитувчининг инновацион фаолияти қуйидаги асосий вазифалари билан тавсифланади: касбий фаолиятни ирода билан тизимли таҳлил этиш; нормативлар ва қоидаларга танқидий муносабатда бўлиш; касбий янгиликларга очиклиги; атроф борлиққа ижодий қайта қуриш муносабатида бўлиш; ўзини ифодалашга, ўзининг ният ва ғояларини касбий фаолиятида мужассамлантиришга интилиш.


Ўқитувчининг инновацион фаолиятига янгиликни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгусидаги ҳаракатларининг мақсади ва концепциясини шакллантириш, бу режани амалга ошириш ва уни тўғрилаш, самарасини баҳолаш киради.

3.3. Маъруза дарсларини таълим технологияси

Мавзу	АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ
-------	---

1.1. Ўқитиш модули технологияси

Дарсга ажратилган вақт 2 соат	Талабалар сони: 20 дан 80 гача
Дарс шакли	Киришли, ахборотли ма'руза
Ма'руза режаси	➤ Автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги ➤ Танспорт воситаларининг эксплуатацион хусусиятлари ➤ Автомобилларни эксплуатацияҚилиш шароитлари ➤ Автомобиллар саройи таркиби
Ўқув машғулоти мақсади: талабаларга автомобиллардан фойдалиш самарадорлигини, эксплуатацион хусусиятларини, эксплуатацияҚилиш шароитларин, автомобиллар саройи таркибини ўргатиш ва фойдаланишда самарадорликни ошириш	
Педагогик мақсади: • ўқув курсини мақсад ва вазифаларини ҳақида тушунчаларни шакллантириш, таркибий мантиқий шакл асосида ўрганилаётган мавзунини тавсифлаш;	Талабани ўқув фаолияти натижаси: • ўқув курсини мақсади ва вазифалари бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
• Ўзбекистон Республикасида автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги билан танишиш;	• Ўзбекистон Республикасида автомобиллардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи асосий кўтаркич сифатида ташиш билан боғлиқ бўлган келтирилган харажатларни тушинтиради;
• Автомобил транспорти воситалари ишончли, юқори тортиш-динамик хусусиятли, ўтағон, етарли даражада юрив захирасига ега, юқори тежамли, енгил хизмат талаб етувчи ва ҳайдовчилар меҳнат шароити меъёрли, максимал миқдорда таший олиш хусусиятларига билан таништириш;	• Автомобил транспорти воситалари ишончли, юқори тортиш-динамик хусусиятли, ўтағон, етарли даражада юрив захирасига ега, юқори тежамли, енгил хизмат талаб етувчи ва ҳайдовчилар меҳнат шароити меъёрли, максимал миқдорда таший олиш хусусиятлари ҳақида гапириб берилади;
• Автомобилларда ташишни бажариш билан боғлиқ транспорт, йўл, табиий-иқлим ва ташкилий-техник каби ташқи омилларнинг биргаликдаги таъсири ҳақида тасаввурга ега бўлиши;	• Автомобилларда ташишни бажариш билан боғлиқ транспорт, йўл, табиий-иқлим ва ташкилий-техник каби ташқи омилларнинг биргаликдаги таъсири босқичлари ҳақида гапириб беради;
• Автомобиллар саройи таркиблари билан таништириш ;	• Автомобиллар саройи таркиблари билан транспорт воситаларини юк кўтарувчанлигига боғлиқлигини ҳақида гапириб беради;
Ўқитиш методи	Кўргазмали ма'руза, суҳбат
Ўқитиш шакли	Оммавий, жамоавий
Ўқитиш воситалари	Ўқув Қўлланма, проектор



Avtomobil transporti vositalarining aniq sharoitida samarali foydalanilishini belgilovchi bir qancha ekspluatatsion xususiyatlari mavjud

- dinamikligi
- yonilg'i tejamkorligi
- boshqariluvchanligi
- turg'unligi
- o'tag'onligi
- harakatlanish ravonligi
- sig'dira olishligi
- Mustahkamligi
- Chidamliligi
- texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlashga mosligi
- ortish-tushirish ishlarini bajarishga mosligi



**Avtomobilning
dinamikligi**

•uning ma`lum yo`l sharoitlarida yuk va passajirlar bilan birgalikda iloji boricha maksimal o`rtacha tezlik bilan harakatlana olishi tushiniladi. Avtomobilning dinamikligi kancha yaxshi bulsa, tashish uchun zarur vaqt shuncha kam bo`ladi, binobarin avtomobilning ish unumi yuqori bo`ladi, ya`ni muayyan vaqt birligida aniq masofaga yuk yoki passajirlarni ko`p miqdorda tashiy oladi. Avtomobilning dinamikligi uning tortish va tormozlash xususiyatlariga bog`liqdir.

**Avtomobilning
yonilg`i
tejamkorligi**

•uning harakatlanishi uchun yoqilayotgan yonilg`i quvvatidan oqilona foydalanish tushuniladi. Yonilg`i tejamkorligi nihoyatda katta ahamiyatga ega bo`lgan ekspluatatsion xususiyatdir, chunki yonilg`i xarajati umumtashish tannarxining eng katta qismini tashkil etadi. Yonilg`i qancha kam sarflansa, avtomobilning ekspluatatsiya xarajati shuncha arzon bo`ladi

**Avtomobilning
boshqaruvchanligi**

•uning boshqaruvchi g`ildiraklari holatiga ko`ra harakat yo`nalishini o`zgartira olish xususiyati. Avtomobilning boshqariluvchanligi uning harakat xavfsizligi darajasiga ko`p jihatdan ta`sir etadi

**Avtomobilning
turg'unligi**

•uning sirg`anib ketish, sirpanish va ag`darilishga qarshi tura olishi tushuniladi. Avtomobilning turg'unligi uning tormozlanish dinamikasi va boshqariluvchanligi bilan bir qatorda harakat xavfsizligini ta`minlaydi. Avtomobilning turg'unligi, ayniqsa, sirg`anchiq yo`l sharoitlari va yuqori tezlik bilan harakatlanishda katta ahamiyatga ega

**Avtomobilning
o'tag'onligi**

•uning og'ir yo'l sharoitlari va yo'ldan tashqarida (qorli yoki qumli ko'riklarda, balchiq joylarda) harakatlana olish xususiyatidir. O'tag'onlikning ahamiyati ekinzon, o'rmonzor, qonlar va boshqa yo'lsizlik sharoitlarida yoki yo'l sharoiti og'ir bo'lgan joylarda ishlovchi avtomobillar uchun nihoyatda kattadir

**Avtomobilning
harakatlanish
ravonligi**

•notekis yo'llarda katta tezlik bilan harakatlanishida kuzovi (saloni)ning tebranmasligi tushiniladi. O'rtacha harakat tezligi darajasiga, tashilayotgan yuklar sifatini buzilmasligiga, haydovchi va passajirlar toliqib qolmasligini hisobga olganda harakatlanish ravonligining ahamiyati kattadir

**Avtomobilning
sig'dira olish
xususiyati**





•undagi bir vaqtda tashiladigan yuklar miqdori yoki passajirlar soni tushiniladi. Yuk avtomobilining sig'dira olish xususiyati uning yuk ko'taruvchanligi va kuzovining ichki hajm o'lchovlari bilan bog'liq. Passajir avtomobillarining sig'dira olishi deyilganda bir vaqtda harakatlanuvchi passajirlar soni tushiniladi



**Avtomobilning
mustahkamlik
xususiyati**

•uning tuzatish uchun zarur bo'lgan vaqt talab etuvchi sinishlar va buzilishlarsiz ishlash xususiyatidir

**Avtomobilning
chidamliligi**

bu uning tuzatish uchun ekspluatatsiyadan to'xtatishni talab etuvchi qismlarining jadal eskirishsiz ishlash xususiyatidir





Davlat standartiga binoan umum foydalanish yo'llarida ishlatishga mo'ljallangan avtomobillar ikki A va B guruhga bo'linadi. A guruhdagi avtomobil va avtopoezdlar uchun bir o'qdan yo'lga tushuvchi eng ko'p og'irlik 100 kN dan ortiq bo'lmashi lozim. Bunda yonma-yon o'qlar orasidagi masofa kamida 2,5 m bo'ladi. Bunday avtomobillar yo'l qoplamasi kapital va takomillashtirilgan I va II texnik kategoriyali yo'llardagina ishlatiladi. B guruhdagi avtomobil va avtopoezdlar uchun bir o'qdan yo'lga tushuvchi eng ko'p massa og'irligi 60 kN dan ortmasligi kerak. Bunda ham yonma-yon o'qlar orasidagi masofa kamida 2,5 m bo'ladi. Bunday avtomobillar umum foydalaniladigan barcha texnik kategoriyali yo'llarda ham ishlatilishi mumkin.

7 ar xil vazifali va uzunlikdagi avtobuslar sig'iruvchanligi								
O'lchamlariga ko'ra avtobus turlari	Standart talabiga ko'ra, m	Nominal sig'iruvchanligi, joylar soni						Boshqa barcha avtobuslar uchun
		Shahar ichi avtobuslari uchun			Shahar atrofi avtobuslari uchun			
		O'tirish joyi soni	Turib ketish joylar soni	Birgalikda	O'tirish joyi soni	Turib ketish joylar soni	Birgalikda	
Juda kichik sig'imli	5,0 gacha	10	-	10	-	-	-	10
Kichik sig'imli	6,0-7,5	18-22	10-15	28-37	20-25	5	25-30	20-25
O'rta sig'imli	8,0-9,5	20-25	30-35	50-60	25-35	10	35-45	25-35
Katta sig'imli	10-12,5	25-35	55-75	80-110	35-45	15	50-60	35-45
Juda katta sig'imli (birlashtirilgan)	16,5-24	35-45	85-100	120 va undan ortiq	-	-	-	-

Avtomobillar o'lchami va massa ko'rsatkichlarining joiz chegaralari


Umum foydalanish avtomobil yo'llarida ishlatiluvchi barcha avtomobil va avtopoezdlar, ularning o'lcham va massalarini cheklovchi talablarga javob berishi lozim. Bunday talablar barcha davlatlarda tegishli qonunlar asosida belgilanadi. Masalan, MDX davlatlarida davlat standartiga binoan og'irlik va gabarit o'lchamlari cheklangan. Avtomobillarning yuk bilan birgalikdagi balandligi 3.8 m, kengligi esa 2,5 m dan oshmasligi zarur.

Agar tyagachli va bitta yarim tirkamali avtopoezdlarning uzunligi 20 m dan, ikki va undan ortiq tirkamali avtopoezdlarniki esa 24 m dan oshmasligi lozim.

Yuk avtomobillari o'qidan yo'l qoplamasiga tushuvchi kuchlar chegarasi avvalgi paragrafda berilgan.

Avtobuslar o'qlaridan yo'l qoplamasiga tushuvchi kuch ular sig'imidan to'la foydalanilganda «A» guruhdagi yo'llar uchun 115 kN (11.5tk) dan va «B» guruhdagi yo'llar uchun 70 kN (7 tk) dan oshmasligi zarur. Samosval-avtomobillar uchun ham «B» guruhdagi yo'llarga tushuvchi og'irlik kuchi 65 kN (6,5 tk) oshmasligi kerak.

Er kurrasidagi barcha mamlakatlarda avtomobil va avtopoezdlarda yuk tashishning o'sib borishi tendentsiyasini hisobga olib, ba'zi joiz chegaraviy ko'rsatkichlarni takomillashtirishga harakat etilayotir. Masalan, AQSh da avtomobillar kengligi 2,44 m dan 2,59 m ga, to'liq massani 32,2 t dan 56,7 t gacha oshirish nazarda tutilgan.



Shahar aloqa yo'llari tasnifi



Shahar aloqa yo'llari tizimi shaharning ahamiyatli joylari, uning barcha tumanlarini eng qulay va iloji boricha qisqa yo'l bilan va eng kam vaqt sarflagan holda o'zaro bog'lashni ta'minlashi lozim. Bunda aholi yashovchi tumanlar va ularning ish joylari hamda shahar markazi bilan eng qulay transport aloqalari o'rnatilishiga alohida e'tibor berilishi lozim.

Vazifasi va harakatni tashkil etish harakteriga ko'ra shahar aloqa yo'llari qurilish va loyihalash me'yorlari bilan tasniflanadi.

Avtobuslar to'xtash joylari



Avtobuslar to'xtash joylari, odatda, yo'l va kuchlarning tekis-gorizontaal bo'lagida hamda yo'lovchi-harakat polosasi bilan tutashtirilgan bo'lishi lozim. Avtobus to'xtash joylari belgilangan talablarga binoan boshqa joylarda ham bo'lishi mumkin. Bunday hollarda quyidagi qo'shimcha yo'l sharoitlari bo'lishi talab etiladi.

- Belgilangan talab reglamentlari avtobus to'xtash joylarini yo'llarning kesishuvchi va tutashuvchi yerlarida joylashtirishni hamda yo'lovchilarning avtobus to'xtov joyiga kelishi qulay bo'lishini nazarda tutadi




Avtomobil va aloqa yo'llariga qo'yiladigan talablar


- yo'lining transport qatnovi qismi yaxshi bo'lib, uning kengligi qarama-qarshi yo'nalishlarda avtomobillarning yetarli darajada xavf-xatarsiz harakatlanishiga imkon berishi;
- avtobus sig'imidanda maksimal foydalanilganda o'qqa tushuvchi massa marshrutdagi ko'priklar uchun joiz og'irlikdan ortiq bo'lmasligi;
- temir yo'l kesishmalaridan avtobuslarning o'tishi temir yo'l transporti boshqarmasi bilan kelishilishi, bunda avtomobil yo'llari va ko'chalarning temir yo'llar bilan kesishuvi qurilish me'yorlari va qoidalari hamda temir yo'l transporti talablariga mos kelishi zarur;
- harakat uchun xavfli bo'lgan barcha joylar, zarur agohlantiruvchi belgi va to'siqlar bilan jihozlanishi;
- avtobus marshrutlarining boshlanish va oxirgi joylarida «cho'ntaklar» va passajirlar uchun maxsus maydonchalar bo'lishi.




Avtomobillarni ekspluatatsiya qilish sharoitlari

- *Transport sharoitlari*
- *Ortish va tushirish usullari*
- *Tashish masofasi*
- *Yo'l sharoitlari*
- *Joy rel fi*
- *Yo'l plani va profili elementlariga*
- *Yo'l qoplamasining tekisligi*
- *Harakat jadalligi*
- *O'ta olish holatining barqarorligi*
- *Tabiat-iqlim sharoitlari*
- *Tashkiliy-texnik sharoitlar*
- *Tashishning tashkili va marshrutlari turi*





Shartnomada quyidagilar ko'rsatiladi				
tashishni bajarish sharti. Bunda tashish vaqti belgilangan reja, yukni berish tartibi, tashish masofasi, ortish-tushirish operatsiyalari bajaruvchi vositalar va ular ishlash tartibi, ekspeditsiya ishlari, talabnoma (zayavka) berish vaqti va uni rasmiylashtirish tartibi va h.k. bo'ladi	tashish miqdori va yuk turlariga ko'ra tashish xarakteri ko'rsatilgan shartnoma predmeti	bajarilgan ishga hisob-kitob vaqti va uni bajarish tartibi, shartnomaga ko'ra da'voni ko'rib chiqish tartibi; tomonlar adresi bankdagi hisob-kitob raqami, jarimalar va shunga o'xshashlar	shartnoma tuzishda vakolatli tashkilot va uning javobgar shaxsi	kelishilayotgan tomonlar javobgarligi



Nazorat savol va topshiriqlari

1. Transport vositalari qanday ekspluatatsion xususiyatlarga ega?
2. Bajaradigan vazafasiga ko'ra tarnsport vositalari qanday guruhlanadi?
3. A va B sinfli avtomobillar xaqida tushuncha bering?
4. Tyagach deganda nimani tushunasiz?
5. Avtopoezdlarga ta'rif bering?
6. Gabarit o'lchamlariga ko'ra avtobuslar qanday tavsiflanadi?
7. Yuk avtomobillarining gabarit chegarasi qanday bo'lishi kerak?
8. Yuk ko'tarish qobiliyatiga ko'ra avtomobillar qanday tavsiflanadi?
9. Avtomobillarni harakat tezligi uning ish unumdorligiga qanday ta'sir ko'rsatadi?
10. Avtomobillarni yuk ko'taruvchanlik qobiliyati uning ish unumdorligiga qanday ta'sir ko'rsatadi?

Боб бўйича хулосалар

1. Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги авлодини бажаришда Олий ва Ўрта махсус таълим тизимида ўқитишнинг қуйидаги педагогик технологияларини қўлланиш тавсия этилиши мумкин. 1) ўқитишнинг креатив технологияси; 2) лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси; 3) муаммоли ўқитиш технологияси; 4) ўқитишнинг ишбилармонлик ўйинлари технологияси; 5) ўқитишнинг информацион ва телекоммуникацион технологиялари; 6) автоматлаштирилган ўқитиш тизими; 7) программаланадиган ўқитиш технологияси; 8) ўқитишдаги инновацион технологиялар.

2. Талабаларга ўқитишдаги информацион ва телекоммуникацион технологиялар яъни компьютерлар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборот узатиш усул ва методларининг мажмуи, билимларни ўзлаштиришни текшириш, реал ҳаётда олинган билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Фанларнинг ўқитишда таълим технологиясини қўлланиши талабаларни билимини оширишда юқори самарадорликка олиб келади.

Умумий хулосалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташиш транспорти соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобил транспорти корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда йўловчи ташувчи хусусий авто-уловлар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар транспорт хизматлари кўрсатиш борасида йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида» соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатлари мамлакатимизда транспорт хизмати маданияти ва сифатини ошириш ҳамда соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Худди шунингдек, республикаимизнинг барча йирик шаҳарларида йўловчи ташишни намунали йўлга қўйиш мақсадида шу соҳада фаолият юритувчи барча корхоналарнинг ҳаракат таркиби бугунги кунда Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «ИСУЗУ» русумли автобуслар билан тўлдириб борилмоқда.

Амалий ишлар самараси ўлароқ, 2010 йилнинг ярим йили давомида республикаимизда автомобил транспортида йўловчи ташиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга, йўловчи айланмаси эса 9,1 фоизга ошди.

Йўловчилар оқими ва уларни ташишни ташкил этилишини тахлили автомобил транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

1. Вилоят ҳокимиятларидаги Комиссиялар ҳамда Агентлик қошидаги Идораларо Комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очик

тендер танловлари орқали жойлаштириш. Натижада 2010 йил якунига кўра фаолият кўрсатаётган 3721 та йўналишнинг 3671 таси ёки 98,7 фоизи тендерлар орқали жойлаштирилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 21-майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010-йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-640-сон қарори билан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши таъминланди. Хусусан, жорий-йилнинг ўтган даврида республика вилоятларида жами 169 та йўловчи ташиш йўналишларининг очилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 203 та (120,1 фоиз) йўналиш очилди ва 1602 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

3. Янги йўналишларнинг 168 тасида фақат қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 745 та автотранспорт воситаси (шундан 347 таси автобус, 398 таси микроавтобус ва "Дамас") фаолият кўрсатмоқда.

4.Йўловчилар хавфсизлигини тўла кафолатлай оладиган даражада бўлишига эришиш.

5.Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга ошириш.

Натижада жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг 1 апрел ҳолатига уларнинг сони 1997 тага ёки 7,3 марттага ортди ва 2311 тани ташкил этди.

6. Хавфсизлик борасидаги жаҳон стандартларига мос тадбирнинг, яъни ҳар куни ишга чиқиш олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартибининг изчил йўлга қўйилишига имкон яратилди.

Шунингдек, ойлик йўл чипталари (карточкалар) ва бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар кўринишидаги турли тоифага мансуб

имтиёзлардан фойдаланувчи йўловчилар сонини ҳисоблашни соддалаштириш ва аниқликка эришиш учун йўриқноманинг тегишли иловаси ҳам янгиланди.

7. Автобус йўналишларида мунтазам катновларни амалга оширишда хужжатларга эга булиши.

8. Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги авлодини бажаришда Олий ва Ўрта махсус таълим тизимида ўқитишнинг қуйидаги педагогик технологияларини қўлланиш тавсия этилиши мумкин. 1) ўқитишнинг креатив технологияси; 2) лойиҳалар методини қўлланиб ўқитиш технологияси; 3) муаммоли ўқитиш технологияси; 4) ўқитишнинг ишбилармонлик ўйинлари технологияси; 5) ўқитишнинг информацион ва телекоммуникацион технологиялари; 6) автоматлаштирилган ўқитиш тизими; 7) программаланадиган ўқитиш технологияси; 8) ўқитишдаги инновацион технологиялар.

9. Талабаларга ўқитишдаги информацион ва телекоммуникацион технологиялар яъни компьютерлар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборот узатиш усул ва методларининг мажмуи, билимларни ўзлаштиришни текшириш, реал ҳаётда олинган билимларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

10. Фанларнинг ўқитишда таълим технологиясини қўлланиши талабаларни билимини оширишда юқори самарадорликка олиб келади.

Автомобилларда йўловчилар ташиш мамлакат умумтранспорти тизимининг ажралмас бир қисми бўлиб, йўловчи транспортининг бошқа турлари билан бир каторда йўловчи ташиш ишлари билан шугулланади. Бу сохани ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги "Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини литсензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 138-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 15-апрелда ўтказилган "2011-йилнинг 1 чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида"ги мажлиси баённомаси
5. Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг 2011-йил 5-апрелда ўтказилган "2011-йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим ва устивор вазифаларининг амалга оширилиши ва 1 чорак якунларига кўра белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳамда 2 чоракда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида"ги мажлиси баёни
6. Вазирлар Маҳкамасида 2011-йил 28-мартда ўтказилган "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш, жумладан, йўловчи ташиш транспортида йўлқира тўловининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, транспорт корхоналарининг моддий-техник базасини мутаҳкамлаш юзасидан

- амалга оширилаётган ишлар тўғрисида “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси раисининг ҳисоботи.
7. 2011-йил 18-майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сон қарори.
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 21-майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010-йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-640-сон қарори .
 9. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг 2010-йил 18 ноябрдаги 178-сонли буйруғи
 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 14-июлдаги 138-сонли "Автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низоми
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида"ги 1474-ПҚ-сонли қарори
 12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги "Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 34-сонли буйруқ.
 13. Б.А.Хўжаев «Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари». Т.: «Ўзбекистон», 2002 й. 240 б
 14. Л.Л.Афанасьев, С.М.Цукерберг «Автомобильные перевозки», М.: «Транспорт», 1984
 15. Н.Арифжанова, М.Ёкубов «Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари». Т.: «Фан», 2007

16. Ўзбекистон Республикасининг қонуни Шаҳар йўловчилар
транспорти тўғрисида. 1997 й
17. Постановление кабинета министров Республики Узбекистан о мерах
по совершенствованию структуры управления автомобильной
промышленностью. Собрание законодательства Республики
Узбекистан, 2004 г., № 34-35, ст. 392; 2006 г., № 30, ст. 290
18. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Тошкент, «Шарқ»,
1999. – 255 б.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш
тўғрисида»ги қонунига шарҳлар, (ЎзР Мехнат вазири Ш.Ибрагимов
умумий таҳрири остида; шарҳ муаллифлари: А.Акбаров, А.Тўраев).
Тошкент, «Шарқ», 2000. - 384 б.
20. Б.А.Хўжаев «Перевозки» Т. «Ўзбекистон» 1991 г. 400 ст
21. В.С.Мун. «Пассажирские автомобильные перевозки» Т.: 1990 г. 220
ст
22. Б.А.Хўжаев. автомобиль транспорт иқтисодиёти. Т.: Ўқитувчи, 1992.-
192 б.
23. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.:
«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001й.
24. Ханс Виссела. Менеджмент в подразделениях фирмы. М.: Инфра-М,
1996 г.
25. Хлявич А.И. Обслуживание автомобилей населения.
М.: Транспорт, 1990 - 238с.
26. Развитие автосервиса М. 1990 (ежегодная обзорная информация)
27. Руководство по организации работ на СТО УзДЕУ - авто
КО. Андижан, УзДЕУ авто 1999 - 128с.
28. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига
техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида Низом. Тошкент,
1999-1966.

- 29.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.: Ўзбекистон, 1998, 685 б.
- 30.Автотранспорт воситалари. Техника ҳолатига хавфсизлик талаблари. OzDo'st 1057-2004. Тошкент: Узстандарт, 2004. - 30 б.
31. Автотранспорт воситалари. Техник кўрик. Назорат усуллари. O'z DSt 1058-2004. Тошкент: Узстандарт, 2004. - 33 б.
- 32.Конопленко В.И. и др. Организация и безопасность дорожного движения: Учеб.для вузов/ В.И.Конопленко . М.: Высш.шк. 2007. - 383 с.
33. Азизов К. Х. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Тошкент: Ёзувчи, 2002. - 182 б.
34. Мухаммаджонов Ш., Қучқоров О. Тошшаҳартрансхизмат уюшмаси тизимидаги корхоналарда ҳаракат таркибининг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш асослари ва ички меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Тошшаҳартрансхизмат, 2007. -282 б.
- 35.www.automobilemag.com
- 36.www.auto.com
- 37.www.motortrend.com
- 38.www.autobild.de
- 39.www.automechanic.ru
- 40.www.autonews.ru